БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 181 (1185)
12 СЕНТЯБРЬ
ЖУМА
1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XXI съездини муносиб кутиб олайлик! (1-бет).

Қардош республикаларда (1-бет).

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛИК КЎРАЙЛИК: **А. Гостев.** — Аҳолини рўйхатга олишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ (2-бет).

Ш. Кузанбоев. — Растратчилар ва уларнинг ҳомийлари (2-бет).

Барча колхоз ва совхозларда машина билан пахта теришга ҳар тарафлама пухта тайёрланайлик! (3-бет).

Пахта териш машиналарини ҳайдовчи ёш механикларнинг республика кенгаши (3-бет).

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН! ҲИКОЯ: **Муҳаммад Диб.** — Кутиш (3-бет).

КПСС Марказий Комитетининг ГБСП Марказий Комитетига совғаси (4-бет).

Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин! Н. С. Хрушчевнинг Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби тўғрисида чет элларда баён этилган фикрлар. Чехословакия Республикаси ҳукуматининг баёнати. Америка самолётларининг Хитой ҳаво масофаларига бостириб кирганлигига қарши Хитой ҳукуматининг норозилиги. Чанкайшичилар ХХР қирғоғидаги университетни тўпга тутдилар. (4-бет).

Камбоджа иқтисодий делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши (4-бет).

ТАНКЧИЛАР КУНИ ОЛДИДАН: **Б. Брюханов.** — Оддий солдат Зайни Шаменев (4-бет).

Аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёрланайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ моддий ва маданий фаровонлигини юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганликлари туфайли социалистик мамлакатимизда аҳолининг сони йилдан-йилга ортмоқда, совет кишилари қувноқ ва соғлом бўлиб ўсмоқдалар, ўлим йилдан-йилга камайиб бормоқда. Сўнгги 10 йилдан буён СССР аҳолисининг ҳар йилги ўсиши 3 миллион кишидан ортиқроқдир. Фақат бешинчи беш йилликда СССР аҳолиси табиий ўсиш натижасида 16,3 миллион кўпайган. Бу шуни кўрсатадики, бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашларнинг соғлом бўлиб ўсишлари, тарбияланишлари учун ҳамма имкониятлар бор.

Аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва унинг жинсига, ёш жиҳатига оид маълумотларнинг турлича бўлиши вақти-вақти билан рўйхат ўтказиб туришни талаб қилади. Экономикаси халқ манфаатларини, талаб ва эҳтиёжларини назарда тутиб, планли равишда ривожланиб бораётган социалистик мамлакатимизнинг тараққиёт йўли айниқса шуни тақоза қилади. СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ 1959 йил январь ойида мамлакатимиз аҳолиси рўйхатга олинади.

Бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш — бениҳоя катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир. Аҳоли ҳақида тўла ва аниқ маълумотлар бўлмаса, унинг географик жойланиши, состави ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлинмаса, ишлаб чиқаришни, халқнинг моддий бойлиги ва маданий савиясини юксалтириш перспективаларини рационал планлаштиришга эришиш мумкин эмас. Совет давлатининг маъмурий, хўжалик ва маданий соҳаларидаги ҳар бир иши аҳолининг сони, унинг ижтимоий, миллий хусусиятларига, касби-кори ва маданий даражаси ҳақидаги маълумотларнинг аниқ бўлишига асосланади.

Аҳолини рўйхатга олиш — унинг сони, жинси, ёши, оилавий аҳволи, миллати, тили, маълумоти, касби, халқ хўжалигида тутган ўрни, географик жойланиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий группаларга алоқаси каби маълумотларни аниқлашга тўла имконият беради. Бу маълумотлар КПСС XX съездининг меҳнат ресурсларидан унумли ва рационал фойдаланиш, халқ хўжалигини янада ривожлантириш, айрим районларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш кучларидан тўғри фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмаларини амалга оширишда бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Аҳолини рўйхатга олишда кўзда тутилган бу муҳим маълумотларни тўғри аниқлаш — Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг муваффақиятли ўтиши ҳозирги тайёргарлик ишларимизга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партия ва совет ташкилотларининг вазифаси—тайёргарлик ишларига эътибор бериб, бу муҳим давлат ишига бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этиш, рўйхат олишда кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирок этишини таъминлашдан иборатдир.

Ҳозир областимиздаги айрим шаҳар ва районларда рўйхатга олувчи кадрларни танлаш, тасдиқлаш ва уларни махсус курсларга жалб этиб, рўйхатга олиш йўлларини ўргатиш, Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг аҳамиятини меҳнаткашларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, кўчаларнинг номлари, уйларнинг номерлари, жон дафтарлари тартибга солинмоқда. Бу соҳада Чирчиқ шаҳар Советининг олиб бораётган иши диққатга сазовордир. Бу ерда айниқса кадрлар танлаш ва уларга рўйхат олишнинг тартиб-қоидаларини ўргатишга катта эътибор берилмоқда. Шаҳар ижроия комитети, партия ва комсомол комитетлари мактаблардан, ташкилот ва муассасалардан, шунингдек саноат корхоналаридан аҳолини рўйхатга олиш учун кишилар ажратмоқдалар. Бу кишилар касаба союз, комсомол мажлисларида, мактаб жоллективининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, уларнинг тавсияси билан олинмоқда.

Областимиздаги бошқа айрим шаҳар ва районларда ҳам шунга ўхшаш баъзи бир тайёрлик ишлари олиб борилаётган бўлса ҳам, кўпчилик жойларда аҳоли рўйхатини олишдек муҳим ишга жиддий тайёрлик кўрилаётгани йўқ.

Аввало шуни айтиш керакки, Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг мақсади ва аҳамиятини кенг меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишлари яхши олиб борилмаётир. Шунинг натижасида областнинг қатор шаҳарларида, шаҳар яқинидаги поселкаларда, район марказларида кўчаларнинг номларини, уйларнинг номерларини, уй дафтарларини тартибга солиш ишлари ҳалигача тугатилмаган. Бир жойнинг ўзида бир неча кўчаларнинг бир ном билан аталиши, кўпгина ҳовлиларнинг бир номерда бўлиши каби ҳоллар ҳали ҳам давом этмоқда. Шунингдек, жон дафтарларида аҳолининг ҳисоби тўғри олиб борилмайди. Келиб кетувчиларни рўйхатга олиш ёки рўйхатдан чиқариш ишлари ўз вақтида бажарилмаган. Шунинг натижасида кўп кишилар, айниқса болалар жон дафтаридан ўтмай қолганлар. Бундай нуқсонлар айниқса Қорасув, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Чиноз ва бошқа районларда мавжуд эканлиги аниқланди.

Октябрь районида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олишга яхши тайёрлик кўрилмаётир. Бу районда кўча, проездларнинг номерлари, тупик ва уйларнинг номерлари ниҳоятда чалкаштирилиб юборилган. Кўпгина ҳовлиларнинг номерлари бутунлай йўқ. Бундай тартибсизликларни ҳатто районнинг Навоий, Арпапоя, Сағбон каби марказий кўчаларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Районда аҳоли рўйхатини олиш учун керакли кадрларни танлаш ва уларни махсус курсларда ўқитишга ҳам етарли эътибор берилмаётир.

Вазифа — Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёрлик кўришда рўй беراётган бу камчиликларни тезда тугатишдан, бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани муваффақиятли ўтказиш учун аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ишларини кучайтириб юборишдан иборатдир. Областимиздаги барча меҳнаткашлар рўйхатга олишнинг сиёсий моҳиятини ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини, шунингдек рўйхатга олиш тартиби ҳамда вақтини яхши билиб олмоқлари керак.

Шаҳар ва район партия комитетлари статистика бошқармаси органлари билан биргаликда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олишга тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида тушунтириш ишларини яхшилашлари, шу масала юзасидан партия, совет ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг доклад ва лекцияларини уюштириш йўли билан корхоналарда, совхоз ва колхозларда, РТС ва МТСларда, муассасалар ва ўқув юртларида, шунингдек маҳаллаларда тушунтириш ишларини кучайтириб юборишлари лозим.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олишга иштирок этувчи кишиларни танлаш, уларни тасдиқлаш ва бу кишилар билан рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, умуман бу ишнинг техник жиҳатларини кенг муҳокама қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Кадрларни танлашда уларнинг жамоат ишидаги фаолияти ва ишчанлик қобилиятига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олиш кампаниясига тайёрлик ва уни ўтказиш даврида барча ташкилотлар — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчилик актив иштирок этмоғи лозим. В. И. Ленин 1920 йилдаёқ: **«Рўйхат иши айрим идоранинг иши эмас, балки республика иши, барча совет муассасаларининг иши»**, деб кўрсатган эди. Улуғ доҳининг бу доно кўрсатмасига тўла амал қилайлик!

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олишга пухта тайёрлик кўрайлик!

КПСС XXI съездини муносиб кутиб оламиз!

Тошкентдаги эгар-жабдуқ—галантерия фабрикасининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Суратда: агитатор Ўртоқ Т. Мудряк цех ишчиларига Пленум қарорини ўқиб бермоқда.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Партия бизни янги ғалабаларга бошлаб бормоқда

Тошкент ирригация машинасозлиги заводи коллективи партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги хабарни баланд руҳ билан кутиб олди. Шу муносабат билан корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг кўп кишилик митинги бўлди. Митингни завод бошлангич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Бугаев очди.

— КПСС XXI съездининг чақирилиши ва унинг кун тартиби, — дейди инструментал цехининг токари ўртоқ Ю. Тихонов, — Коммунистик партиянинг халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини янада гуллаб-яшнатиш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг ифодасидир. Биз мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари матбуотда эълон қилинишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Бу рақамларнинг меҳнаткашлар муҳокамасига қўйилиши партия ва халқимиз ўртасидаги буюк бирликнинг ёрқин ифодасидир.

— Коммунистик партия бизни янги ғалабаларга бошлаб бормоқда, — дейди механика-йиғув цехининг токари И. Филиппов. — Партия раҳбарлигида мамлакатимизда жуда катта тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Мен съезд шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, смена нормасини 180-200 процентдан бажаришга сўз бераман ва ҳамкасбларимни мусобақага чақираман.

Митингда сўзга чиққан завод директори ўртоқ И. Буркутский корхонада ишлаб чиқаришни 1959-1965 йилларда ривожланиш перспективалари ҳақида гапирди.

Машинасозлар съезд шарафига янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Улар 1958 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 1 декабргача бажариш ва қўшимча равишда икки миллион 700 минг сўмлик турли ирригация машиналари тайёрлаб беришга аҳд қилдилар.

М. МИРҲАМИДОВ.

Тўқувчиларнинг сўзи

КПСС Марказий Комитети Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси навбатдан ташқари XXI съездини чақириш тўғрисидаги қарорига бағишланиб ўтказилган митингга Тошкент тўқимачилик комбинатининг саккиз мингдан ортиқ ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари тўпланди.

Комбинат касаба союз комитетининг раиси А. Аҳмаджонов қисқача кириш нутқи сўзлаб митинги очди. У Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Р. Е. Мельниковга сўз берди. Р. Е. Мельников митинг қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори билан таништирди.

Биринчи фабрика йигирувчиси Р. Дубина минбарга чиқади.

— Партиянинг бўладиган съезди совет кишилари ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал қилиши лозим, — деди у. — Совет халқи ана шу воқеага тайёргарлик кўриш билан бирга тарихий XX съездан кейин қилган ишларини якунламоқда. Биз жонажон Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлигида эришилган муваффақиятлар билан фахрланишга ҳақлимиз. Мен меҳнат вахтасида турибман ишлайман ва кун сайин пландан ташқари аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқараман.

Биринчи тўқимачилик фабрикасининг ремонтчиси А. Ўринбоев сўзга чиқади.

— Мен КПСС Марказий Комитети Пленумининг партия навбатдан ташқари съездини чақириш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқуллайман, — деди у. — Биз съезднинг очилишини меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан нишонлаймиз.

Иккинчи фабрика тўқимачиси ўртоқ Тоцкая, читга гул босиш фабрикасининг раклисти Б. Зокиров, комбинат директори З. Абдуллаев бирин-кетин минбарга чиқадилар. Уларнинг ҳаммаси партия XXI съездининг қарорлари бутун совет халқининг орзу ва истакларини ифода этади, деб ишонч билдиради. Сўзга чиққан ўртоқлар комбинат коллективи съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб, муваффақиятли ишлайди, деб таъкидладилар.

Митингда қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади:

«Биз, Тошкент тўқимачилари КПСС XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаймиз. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бундан аввал олган социалистик мажбуриятларимизни қайтадан кўриб чиқишга қарор қилдик. Партия съезди шарафига йиллик пландан ташқари 15 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, 120 тонна ип-калава, икки миллион метр сурп ва икки ярим миллион метр тайёр маҳсулот, шунингдек тўрт миллион галтак ип ва мулине бериш мажбуриятини оламиз». (ЎзТАГ).

XXI съезд шарафига

Куйбишев район саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Район корхоналарида янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланиш натижасида 8 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Ой охиригача планлагича қўшимча равишда 46 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Район корхоналарида ўтган йилнинг худди шу даврилагига қараганда 22 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Завод ва фабрикалар, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги қарорини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Съезд шарафига социалистик мусобақа қизиб кетди, коллективлар съезд шарафига ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. 8 ойлик планни муддатидан анча илгари бажарган «Ташсельмаш», «Ташкенткабель», «Ташпродмаш» каби корхоналарнинг коллективлари иш суръатини ошириб, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини тобора кўпайтирмоқдалар.

Оширилган мажбурият олдилар

Тошкент транспорт машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Бу хушхабар завод ишчиларини янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда. Барча цехларда агитаторлар Пленум қарорини ишчиларга баланд овоз билан ўқиб бераётирлар.

Завод 4-механика цехининг коллективи тушки дам олиш вақтида митингга тўпланди. Унда цех бошлиғи Константин Кузьмич Харькин КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини ўқиб берди.

— Жонажон партиямиз XX съезднинг халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги тарихий қарорлари муваффақият билан амалга оширилаётган бир вақтда янги XXI съездни чақириш ҳақидаги хабар бизнинг ғайратимизга-ғайрат қўшди, меҳнатда янги ғалабаларга илҳомлантирди, — дейди биринчи бўлиб сўзга чиққан кесувчи ўртоқ К.Ойнаш. — Мен съезд шарафига смена нормаларини ками билан икки баравар қилиб бажариш мажбуриятини оламан ва темирчи Елютинни социалистик мусобақага чақираман.

Йиғилишда ишчилардан Елютин, Крупенков, Лутов ўртоқлар сўзлаб, партия XXI съезди шарафига катта мажбуриятлар олдилар.

Аҳил ва меҳнатсевар коллектив олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун шу кунларда ҳарқачонгидан ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

М. МУҲАМЕДОВ.

Пахтакорлар учун

Янгийўл район саноат комбинатининг коллективи якинда республикамизнинг пахтакор колхоз ва совхозларидан ҳамда тайёрлов пунктларидан қоп-қанорларни тикадиган махсус ингичка ҳаноподан бир миллион метр тайёрлаб бериш ҳақида заказ олди. Корхона коллективи, айниқса шнур цехининг ишчилари бу заказнинг жуда муҳимлигини ҳамда пахта йиғим-терим кампанияси яқинлашиб келаётганлигини ҳисобга олиб, уни муддатидан илгари тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Ҳар бир ишчи ва мастер астойдил меҳнат қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ тайёрланган ярим миллион метрдан ортиқ канап «Главлегпром» базасига жўнатилди. Коллектив пахтакорлар заказини муддатидан 10 кун олдин тайёрлаб бериш учун шу кунларда зўр ғайрат билан ишлаётир.

Л. БЛИНДЕР.

Пахта қизил карвони

БЎКА. («Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Райондаги илғор колхозлар ва 6- «Кўкорол» совхози пахтакорлари ҳосил яхши пишиб етилган ерларда теримга тушдилар. Чевар теримчилар лўппак пахталарни чаққонлик билан териб олмоқдалар.

Кеча район марказидаги пахта тайёрлаш пунктига янги ҳосилни юклаган қизил карвон келди, шу куни 6- «Кўкорол» совхози 8 тонна, «XIX партсъезд» колхози 14 тонна, Ильич номли колхоз 7 тонна, Мичурин номли колхоз 11 тонна ҳаммаси бўлиб 100 тоннага яқин пахта топширилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш тўғрисидаги хабарини зўр хурсандчилик билан кутиб олган Бўка районининг пахтакорлари нормаль пишган пахталарни пешма-пеш териб олишни кун сайин кучайтирмоқдалар.

МЕТАЛЛУРГИЯ ЧИҚИТЛАРИДАН ЦЕМЕНТ

ОЛМАОТА. Актюбинскдаги «Актюбинстрой» қурилиш-монтаж трестининг инженерлари Федор Амурин, Евгений Карпов ва Василий Путинцев Актюбинскдаги ферросплав заводи эритиш цехларининг шлакларидан цемент ҳосил қилиш проблемасини ҳал этдилар. Рационализаторлар лаборатория ва ярим саноат синовлари ўтказиш натижасида 100, 120 ва 150 маркалик цемент тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

Ферросплав заводи шлакларидан тайёрланган цемент оддий цементдан бир ярим баравар арзон бўлиб, иморат пойдеворларига ётқизиш ва бетонлаш учун яроқлидир. Шлак запаслари бу ерда йил сайин ўн мингларча тонна цемент ишлаб чиқариш имконини беради.

ОРОЛ ДЕНГИЗИДА КЕМАЧИЛИК ШАРОИТИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

ЧОРЖЎЙ. Орол денгизи — дунёда энг катта кўллардан бири бўлиб, биринчи марта рус тадқиқодчиси А. И. Бутаков томонидан 1848-1849 йилларда картага киритилган эди. Ҳозир кемаларга энг янги навигация ускуналари жорий этилганлиги муносабати билан, мавжуд бош картани аниқлаш, янги кема қатнайдиган трассалар очиш зарурлиги ҳал этиш пайти келди.

СССР денгиз флоти министрлиги Орол денгизига махсус экспедиция юборди. Бу экспедиция қирғоқларни синчиклаб аэрофотосуратга олди. «Лоцман» ботн командаси томонидан қимматли картография материали тўпланди. Картага маяклар киритилди, орол ва бурунлар кўрсатиб чиқилди, географик номлар янада аниқланди. 520 километр узунлигида янги кемалар қатнайдиган трасса топилди ва дарё кемалари қатнаши учун тавсия этилди. Бу трасса ҳозиргача фойдаланиб келинган йўлдан қарийб 50 километр қисқадир.

ХИМИЯ САНОАТИНИНГ ЯНГИ КОРХОНАЛАРИ

ЖАМБУЛ. Жамбул шаҳри ҳозирдаёқ Қозоғистон химия саноатининг йирик маркази бўлиб қолди.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Асқаров ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми бизнинг областда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги перспективаларини очиб берди. Жамбулга яқин ерда жойлашган Қоратов кони гоят кўп миқдорда фосфорит хом ашёси запасларига эгадир. Бу хом ашё запаслари Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг, шунингдек Сибирь ва Россия Федерациясидаги бошқа қўшни районларнинг минерал ўғитларга тобора ортиб бораётган талабини тўла қондираолади. Область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 7 йиллик планига кўра, бу ерда фосфорит рудаси қазиб чиқариш уч ҳисса кўпаяди. Ҳозирги вақтда ишлаб турган Қоратов тоғ химия комбинатида ерости кони қурилмоқда, бойитиш фабрикаси қуришга тайёргарлик олиб борилмоқда, усти очиқ ҳолда ишлатиладиган кон барпо қилинмоқда.

Жамбул суперфосфат заводида янги цех қурилмоқда. Бу цех кўп миқдорда азот моддасига эга бўлган аммофос концентрати чиқаради. Перспектив планда сунъий чарм ва таг чарм ўрнида ишлатиладиган резина заводлари қурилиши ҳам кўзда тутилади.

Қардош республикаларда

1. Эстония ССРда силикальцитдан уй-жой қурилишида кенг фойдаланилмоқда. Суратда: Таллин яқинидаги Нимма шаҳарчасида силикальцитдан қурилган уй-жой бинолари. 2. Москва область Серпухово районидаги «Большевик» совхозида дала ишларини кенг механизациялашга алоҳида эътибор берилаётир. Суратда: тракторчи В. Д. Иванов «ДДП-ЗАС» маркали сунъий ёмғир билан суғорувчи агрегатни созламоқда. Бундай агрегатни бир киши бошқаради ва унинг ёрдами билан бир кунда 20 гектаргача экинни суғориш мумкин.

Д. Фрадкин ва Л. Доренский фотолари (ТАСС фотохроникаси).

МУЗИКА ПАЙШАНБАЛИКЛАРИ

ФРУНЗЕ. Тематик музика пайшанбаликлари ташкил этиш — Панфилов номидаги маданият ва истироҳат паркининг яхши одати бўлиб қолди. Бу пайшанбаликлар республика пойтахти аҳолиси ўртасида кенг оммалашди. Бу ерда совет қўшиқлари, атоқли рус композиторларининг ижодига бағишлаб ўтказилган кечаларга жуда кўп музика ҳаваскорлари келади. Халқ демократияси мамлакатларининг музикасига бағишлаб бир неча кеча ўтказилди. Маҳаллий авторларнинг асарларидан берилган концертлар муваффақият қозонмоқда. Музика кечалари кўпинча лекциялар билан бирга ўтказилмоқда. Лекцияларни республика санъатининг отоқли арбоблари ўқимоқдалар.

ТУРКМАНИСТОН ЁШ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

АШХОБОД. Туркманистон ёзувчилари союзи республика съезди бўлиши муносабати билан республиканинг ҳамма областларида ёш авторларнинг семинарларини ўтказди. Мари, Чоржўй, Тошовузда ўтказилган семинарларга ёзувчилардан Б. Сейтапов, Қ. Курбоннефесов, Т. Эсенова, В. Зубарев ва бошқалар иштирок қилдилар.

Ёш ёзувчиларнинг энг яхши асарларини нашр этишга қарор қилинди.

Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлади

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг сессиясидан

Кеча, 11 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг навбатдаги VI сессияси бўлиб ўтди. Сессияда шаҳар Советининг раиси ўртоқ **М. Йўлдошев** «Шаҳар ободончилигининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида» доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, — дейди докладчи,— шаҳар ободончилигига қатта эътибор бериб келмоқда. 1956 йил 31 июлда СССР Министрлар Совети «Тошкент шаҳар хўжалигини ривожлантириш ва ободонлаштириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилган эди. Совет ҳукумати шу қарор муносабати билан шаҳар ободончилигига жуда катта ёрдам ҳам берди. Шунинг натижасида уй-жой ва маданий қурилиш кейинги йилларда анча ривожланди, шаҳар обод ва кўркам бўлиб қолди. Транспорт воситалари кўпайди, кўкламзор хиёбонлар, майдонлар кенгайди. Мактаб ва маданий-маиший муассасалар тармоқлари тобора ўсмоқда.

Ўрток Йўлдошев шаҳар саноатининг анча ривожланганлигини таъкидлаб ўтди. Ижроия комитет саноат бошқармасининг корхоналари 7 ойлик планни 103 процентга етказиб бажарди. Пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳунармандчилик артелари ҳам ўз планларини ошириб бажардилар. Шаҳарда 546 турли мастерскойлар ва қабул пунктлари аҳолига хизмат қилмоқда.

1958 йилнинг биринчи ярмида аҳолига 2.046 миллион сўмлик мол сотилди. Бу эса ўтган йил шу даврга нисбатан 169 миллион сўм кўпдир.

Кейинги бир ярим йил мобайнида қарийб чорак миллион квадратметр уй-жой майдони фойдаланишга топширилган. Бу йил 40 километр узунлигида янги водопровод шохобчалари қурилган, қарийб 90 минг туп дарахт, неча миллион гул кўчатлари ўтказилган, 700 минг квадрат метрдан кўпроқ йўллар ва тротуарларга асфальт ётқизилган, ўнлаб кўчаларнинг ёритиш шохобчалари қайта қурилган. Меҳнаткашлар турадиган бир ярим минг квартира газлаштирилган. Янги автобус ва трамвай маршрутлари очилган.

Докладчи уй-жой қурилиши йилдан-йилга ривожланиб бораётганлигини айтиб ўтди. Шунга қарамай шаҳарда қурилиш ишлари анча секинлик билан бораётганлигини ҳам таъкидлади. 1958 йилнинг 7 ой даврида уй-жой қурилиши плани фақат 41 процент бажарилди, йиллик пландаги 192 минг квадрат метр ўрнига якка тартибда қурилган 44 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга берилди. Ободончилик ишлари бўйича йиллик план 7 ойда 49 процент бажарилди. Бу шуни кўрсаталики, Тошкент ўзининг тараққиётида бошқа иттифоқчи республикаларнинг пойтахтлари ва саноат марказларидан анчагина орқада қолмоқда. Шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари ободончилик тадбирларини етарли даражада ўсишини таъминлай олмаётирлар. Ободончилик учун чиқарилган маблағлардан, меҳнат ресурсларидан етарли даражада фойдаланилмаётир.

— Ҳаммамизга маълумки, — дейди докладчи, — КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми 1959 йил 27 январда партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақиришга қарор қилди. Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини муҳокама қилади.

Бизнинг вазифамиз шаҳар хўжалиги барча тармоқларининг фаолиятини янада оширишдан, бутун резерв ва имкониятларни синчиклаб ўрганишдан, бу имконият ва резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга бутун жамоатчиликнинг диққат эътиборини жалб қилишдан иборатдир.

Шаҳарни ободонлаштиришда депутатлар ва доимий комиссиянинг аъзолари катта ёрдам бераётирлар. Мана шу сессияни тайёрлашда ҳам депутатлар ва доимий комиссиянинг аъзолари шаҳар, район ижроия комитетларидаги мавжуд камчиликларни очиб ташлашда бизга яқиндан ёрдам бердилар.

Докладчи таъкидлаб ўтдики, биз шаҳарни ободонлаштиришда Москва, Ленинград, Киев, Минск ва Совет Иттифоқидаги бошқа пойтахт шаҳарларининг тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётирмиз. Ваҳоланки, мазкур шаҳарларда депутатлар, доимий комиссияларнинг аъзолари ва кенг жамоатчилик шаҳарни обод ва кўркам қилишда актив иштирок этмоқдалар. Ўзларининг энг яхши таклифлари билан шаҳар ижроия комитетларига ёрдам бермоқдалалар.

1958 йилнинг май ойида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ишини муҳокама қилди. Марказий Комитет шаҳар хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ҳартомонлама таъминлаш учун партия ва ҳукумат томонидан яратиб берилган имкониятлардан етарли фойдалана олмаётганимизни ҳаққоний равишда кўрсатиб берди.

Докладчи шаҳар ободончилиги соҳасидаги рўй бераётган камчиликларни батафсил кўрсатиб, бу камчиликларни тугатишда бутун жамоатчиликнинг актив иштирок этиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Музокарада сўзга чиққан Киров район ижроия комитетининг раиси депутат **Мўминов,** Фрунзе район ижроия комитети раисининг ўринбосари депутат **Скоробогатова,** Октябрь район ижроия комитетининг раиси депутат **Мирҳўжаев,** Семашко институтининг директори депутат **Мўминов,** Тошкент водоканал трестининг бошқарувчиси депутат **Ҳўжаев,** шаҳар ободончилик бошқармасининг бошлиғи депутат **Комилов** ва бошқа ўртоқлар Тошкент шаҳарини ободонлаштириш перспективалари билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида гапирдилар.

Сессия кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Қарорда республика пойтахти хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Бизга ёзадилар

ЯНГИ ТУҒРУҚХОНА

Сирдарё районида қурилаётган янги туғруқхона биноси яқинда битказилиб, ишга туширилди. У 100 ўринли бўлиб, 18 хонадон иборатдир. Янги туғруқхонада барча қулайликлар яратилган.

Т. Ҳайдаров.

КОЛХОЗЛАРДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхозда колхозчилар учун 24 та янги уй-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Карл Маркс номли колхозда автогараж ва иккита савдо дўкони қурилди. «Победа» колхозида эса янги қизил чойхона ҳамда икки қаватли ошхона бинолари битказилиб, ишга туширилди.

И. Баратов.

КОЛХОЗЧИ ЁШЛАР БИЛИМ ОЛМОҚДА

Чирчиқ шаҳрининг Троицк поселкасидаги 5- ишчи-ёшлар мактаби колхозчи ва ишчи ёшларни ўқишга жалб қилишга алоҳида аҳамият бераётир. Бу йил мактабга кўпгина колхоз аъзолари ва ишчилар қабул қилинди.

Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан 35 киши шу мактабда ўқимоқда. Шунингдек, гўшт комбинати, «Промкомбинат» ва бошқа корхоналарнинг ишчилари ҳам ишчи ёшлар мактабида ўқиб, ўрта маълумотга эга бўладилар.

Т. Сихарулидзе.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ИККИНЧИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

ФРУНЗЕ, 10 сентябрь. (ТАСС). Қирғизистон ССР Министрлар Совети иккинчи пул-буюм лотереяси ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. 7 миллион сўмлик лотерея билетлари чиқарилади. Олтмиш саккиз минг пул ва буюм ютуқлари ўйналади. Булар орасида енгил автомобиллар, мотоцикллар, телевизорлар, радиоприемниклар, кир ювиш машиналари бор.

Лотерея тиражи декабрь охирида бўлади. Октябрда лотерея билетлари тарқатила бошлайди.

Комсомол аъзоси Галина Шелянкина Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг моҳир ишчиларидан ҳисобланади. У корхонага 10-синфни битириб келган эди. Шу кунларда бу меҳнатсевар қиз белгиланган нормани икки баравар ортиги билан бажармоқда. Суратда: Р. Шелянкина иш устида.

Тошкент областидаги мактабларнинг ўнинчи синфни тамомлаган ёшлардан бир группаси 10 сентябрда комсомол путевкаси билан Янгиер қурилишларида ишлаш учун жўнаб кетди. Суратда: қурилишларга жўнаб кетаётган комсомоллардан (чапдан) Е. Лим, С. Артунова, А. Смирнова, Р. Тарсинов ва М. Мельниковлар.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Кўптиражли газеталар саҳифасидан

ВЛКСМнинг 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи ўртасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар кексалар билан ёнма-ён туриб, қишлоқ хўжалиги заказларини ҳамда давлат планларини ўз вақтида тўла ва ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Комсомол-ёшларнинг кўпчилиги ВЛКСМнинг 40 йиллиги кунигача йиллик планни бажариш мажбуриятини олган. Уларнинг сўзи билан иши бир.

«Ҳозирнинг ўзидаёқ, — деб ёзади **«Фрунзевец»** газетасида корхона комсомол комитетининг секретари ўртоқ Е. Воловик, — токарь В. Ивашкин, темирчи Г. Пратов, слесарь Э. Тўрахонов, пармаловчи З. Исроилова ва бошқа жуда кўп ўртоқлар йиллик топшириқни бажариб, келгуси — 1959 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Завод ёшлари шонли юбилей шарафига ўзаро мусобақалашиб, металлом йиғиш, хомашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан давлатнинг 1 миллион сўмдан ортиқроқ маблағини тежаб қолдилар. Ёш рационализаторлар йилига 400 минг сўм фойда келтирадиган 250 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари киритилдилар».

«Ўзбексельмаш» заводининг ёшлари иккинчи кварталда Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг ёшлари билан бўлаётган социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгалладилар. Завод ёшлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва Ленин комсомолининг 40 йиллигини ишлаб чиқаришда янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш мақсадида шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

КОМБИНАТДА РАЦИОНАЛИЗАТОР ВА ИХТИРОЧИЛАР ЖАМИЯТИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи ўртасида янгилик изловчилар — рационализатор ва ихтирочилар сафи тобора кенгаймоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан тушган таклифларни қараб чиқиш, уларни амалга оширишни тезлаштириш, бошқа корхоналарда яратилаётган янгиликларни ўрганиш ва ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий қилиш мақсадида комбинатда рационализатор ва ихтирочилар Бутуниттифоқ жамиятининг бошланғич ташкилоти тузилди. Инженер ўртоқ А. Еремин раҳбарлик қилаётган ташкилий бюро ўз ишини бошлаб юборди. Ҳозир бу янги жамиятга комбинатнинг барча корхоналарида аъзолар қабул қилиш ишлари қизғин олиб борилаётир.

«Фабрикаларнинг касаба союз ташкилотлари, — деб ёзади комбинатда чиқариладиган **«Сталинчилар овози»** газетаси, — янги жамиятга ҳ-р тарафлама ёрдам беришлари, бу жамиятга энг актив ишчиларни жалб қилишлари керак. Жамиятнинг актив аъзолари қанчалик кўп бўлса, техника прогресси учун, коллектив олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун олиб борилаётган курашда шунчалик катта натижаларга эришилади».

Комбинатдаги рационализаторлар жамияти Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторларининг 1-республика конференцияси қарорларини оғишмай амалга ошириш учун янгилик изловчилар ўртасида олиб борилаётган ишларни ҳар тарафлама кучайтирмоқда.

МАШИНАСОЗЛАР—БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ ҚАТНАШЧИСИ

Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг кўпминг кишилик коллективи мамлакатимизда пахтачиликни зўр бериб юксалтириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Машинасозлар лойиҳачилар ҳамда конструкторлар билан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаб, пахтакорларимизнинг ишини енгиллаштирадиган, прогрессив агротехника қоидаларига тўла жавоб берадиган ҳамда юқори унум билан ишлайдиган машина ва механизмларнинг янги-янги хилларини яратмоқдалар.

Корхонада чиқадиган **«Сельмашевец»** газетасининг ёзишича, коллективнинг ана шу соҳада қўлга киритган ғоят катта муваффақиятлари ҳисобга олиниб, завод ходимларидан бир группаси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси этиб тасдиқланган эди. Яқинда 2- механика-йиғув цехининг пармаловчиси Ф. Ҳасанова, йиғувчи слесарь И. Илёсов ва старший мастер С. Қурбонов ўртоқлар Москвадан—Виставкадан қайтиб келтилар. Бу ишлаб чиқариш илғорлари Виставкага қўйилган энг яхши қишлоқ хўжалик машиналари, механизмлар ва асбоблар билан танишдилар. Иттифоқимизлаги илғор машинасозлик корхоналарининг ишчилари ҳамда мутахассислари билан учрашиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Растратчилар ва уларнинг ҳомийлари

Халқ ва жамоат мулки бойлигимиз, хазинамиздир. Уни кўз қорачиғидек сақлаб жой-жойига, халқ манфаатига сарфлаш зарур. Демак, давлатнинг ёки жамиятнинг бир тийинини нари-бери қилмаслик керак. Шунинг учун ҳам бухгалтерларга масъулиятли вазифа юклатилган, уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган. Шундай виждонли, пок бухгалтерлар борки, улар давлат, халқ манфаатини кўзлаб иш юритадилар. Қаллоблар, растратчиларни жамоат олдида фош этадилар, давлатнинг пулига хиёнат қилувчи шахсларни шармандаю-шармисор қиладилар.

Бухгалтерларнинг бошқа бир тоифаси ҳам бор. Улар «доноликда» қилни қирққа ёрадилар, қанот-қуйруқ чиқариб жиноят фазосида шундай парвоз қиладиларки, уларнинг таъриф-тавсифида тил ҳам, қалам ҳам ожиз. Бир чўт қоқиш билан ҳисобот ишларини чалкаштирадилар. Ҳалол меҳнатдан барака кутмаган бу хилдаги бухгалтерлар текин томоқ кўрса, мўмай пулнинг ҳиди думоғига урса бас. Мўйлаб бураб лабини ялайди.

Юқори Чирчиқ район матлубот жамиятининг бош бухгалтери Газиз Сагдиевич Масагутовни шундай бухгалтерлар рўйхатига бемалол тиркасак хато қилмаган бўламиз. У, Паркент районидаги ғалла складида ишлаганида рақамларни чалкаштириб ўз фойдасига бурди. Лекин Масагутов қутила олмади. Жавобгарликка тортилди, судланди...

Масагутов ёғлиқ жойни ахтарди. Сувдан қуруқ чиққан ўрдакдек хийла-найранглар билан Юқори Чирчиқ райпосига бош бухгалтер бўлиб олди. Оз ўтмай айтгани-айтгану, дегани-деган бўлди.

Растратчиларнинг ҳам иши ўнгидан келди. Имо-ишорага тушунадиган «шинаванда» бухгалтер тез кунда олғирлар билан оғиз-бурун ўпишиб кетди. Масагутов қалам тебратиш билан ҳар қандай қаллоб-исрофгарни оппоқ қилиб, айбсизларни гуноҳкорлар рўйхатига тиркаб қўядиган бўлиб қолди. 14-магазин мудири Ҳалима Исмоилова 38787 сўм, 19-магазин мудири Иброев 28991 сўм кооператив пулини чўнтакка урдими, бир қисмини Масагутовга бердими, униси бизга қоронғи. Лекин исрофгарлар «пулни тўлашди-ю» яна ҳеч кимга сўз бермай юра беришди. Ишлари судга ҳам оширилмади. Жиноятларни фош қилувчи даста-даста актлар бухгалтер столининг қайси бир тортмасида тахи бузилмай ётганлигини Масагутовнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Райподаги «раҳимдиллик»нинг оқибати кейинчалик хунук бўлиб чиқди. Яқинда тасодифан ўтказилган ревизияда 58 магазин, склад ва бошқа савдо тармоқларида бир неча ўн минг сўм етишмади. Бу ҳаммани қатта ташвишга солди. «Нима қилсаларинг қилинглар, иш қилиб пулни ундиринглар» деювчилар кўпайиб қолди. Бу тўғри, пулни ундириш керак. Лекин қандай қилиб? Бу муаммони ҳал қилиш ҳам бош бухгалтер Г. С. Масагутов ва унинг ҳунарига ҳавола қилинди.

Масагутовга берилган далда уни дадил қадам қўйишга ундади. У, ишни бухгалтерия аппаратидан бошлашга қарор берди. Склад мудири Ҳидоятов кам келтирган бир неча ўн минг сўм растратни райпо ва савдо ходимларидан йиғиб қопламоқчи бўлди. Ишни ўзларидан бошлаб «намуна» кўрсатдилар. Таклифни биринчи бўлиб савдо мудири В. Жижин ёқлади ва Ҳидоятовнинг растратини қоплашга деб 2000 сўм чўзди. Масагутов ҳам четда қолмади.

Савдо мудири Жижин ҳамда айрим бухгалтерия ходимлари растратга алоқаси бўлмаса нима учун ўз ёнларидан пул чиқардилар? Табиий, озми-кўпми манфаатдор бўлганлари учун бу йўлни тутганлар.

Растратчилар ва ҳомийларнинг найрангбозликлари шугина дейсизми? Райпонинг илғариги раиси Шохмуродов, унинг кўнгилчан ўринбосари Жижин, комиссион савдо бўйича раис ўринбосари Муҳамедов, бухгалтер Ислямова, бош бухгалтер ўринбосари Ақчуринларни воқеалардан хабарсиз деб бўладими? Йўқ албатта. Уларнинг ишни ўз фойдаларига чалкаштирганликлари аниқ.

1-сельмагда 53 минг сўмни ўғирлаган ким? Райпо раҳбарларининг назида Мамажон Эркаев. Аслида кооперация пулини совурган Ахмаджон Ғозиев. Аҳмаджон Ғозиев Оҳангарон шаҳрида кооперацияда ишлаб жиноят устида қўлга тушди, қамалди. Қамоқдан келгач, шаҳар милиция бўлимининг у эшигидан кирди, бу эшигидан чиқди. Хуллас Аҳмаджон Ғозиев бир юмалаб Мамажон Эркаев деган фамилияда паспорт олди ва Янгибозорда пайдо бўлди. Райпонинг илғариги раиси Шохмуродов Ғозиевнинг қалбаки ҳужжатларини суриштиришни эп кўрмади, магазинга тайинлаб, қўлига катта суммалик молни топширди. Раисининг «ишончига» сазовор бўлган Эркаев (Ғозиев) 53 минг сўмни лиқ этиб ютди-ю, бақрайиб тура берди. У «ўғирлатдим» деб ҳамон бемалол юрибди.

Ғозиев—Эркаев сингари арзандалар ёлғиз эмас. Комиссион магазин мудири Юфиров 16900 сўм, 42- дўкон мудири Қултоев 3365 сўм, бошқа бир магазинда ишловчи Хўжакаева, нонвойхона мудири Асадуллин, склад мудири Рябик, минг-минглаб пулни совурсалар ҳам тарапла-бедод, дўппиларини яримта қилиб юрибдилар.

Лимон операцияси жуда усталик билан ўтказилгани, бундан ким қанча фойда кўргани ҳозирча муаммо. Лекин шу аниқки, 72 минг сўмлик лимон чириб, ерга кўмилди. Шохмуродов, Муҳамедов, Мирсолиховларнинг кўрсатмаси билан қилолаб олинган лимонлар харидорларга доналаб, ортиқ нарх билан сотилди.

Район матлубот жамиятидаги растратларнинг кўпайишига область матлубот союзи ва унинг ревизорлари ҳам айбли. Улар районларга тез-тез бориб турадилар. Аммо ишга расмият юзасидан қараб, ўз шахсий манфаатларига қурбон бўладилар, растратчиларни ошириб, талончиларни оқлаб ҳомий бўладилар. Бунга Сирдарё районидаги «Малик» совхози рабкоопига юборилган ревизор Владимир Васильевич Комаровнинг қилмиши яққол мисол бўла олади. У, дўкон мудири Турғунбой Шакаровнинг растратини яширди. Бу хизмати учун Комаров манфаатдор бўлмаганмикан!

Хулоса шуки, район матлубот жамиятидаги растратчилар жазоланиб, халқнинг пули ундирилади. Растратчиларнинг ҳомийлари ҳам бу аччиқ сабоқдан четда қолмайдилар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Ҳар бир колхозда врач

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги колхозларга 3 минг медицина ходимларини юборди. Пахта йиғим-терими даврида ҳар бир қишлоқ хўжалик артели ўз врачига, ҳар бир дала шийпони фельдшер ёки медицина ҳамширасига эга бўлади.

Қишлоқ жойларида 2 мингдан ортиқ мавсумий аптекалар очилади. Бу аптекалар учун махсус медицина ва санитария-гигиена товарлари комплекти тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш органлари Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда ҳамма дала шийпонларида санитария маорифи постлари ва бурчаклари ташкил этадилар.

(ЎзТАГ).

АХОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛИК ҚУРАЙЛИК!

Аҳолини рўйхатга олишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ

1959 йил январда ўтказиладиган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. У Ватанимиз аҳолисининг сони, жинси, ёши, миллати, тили ва билим даражаси ҳақида аниқ маълумот олиш имкониятини беради. У аҳолининг республика, ўлка, область, шаҳар ва районларга жойланиши ҳақида тўла тасаввур қолдиради. Нихоят, аҳолини рўйхатга олиш — хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишга, социалистик халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш перспективаларини аниқлашга ёрдам беради.

Партия ва ҳукуматимиз аҳолини рўйхатга олишга тайёрланишга, рўйхатга олиш учун ҳамма қулай шароитларни яратишга катта эътибор беромоқдалар.

Ҳозир рўйхатга олишга тайёргарлик кўришнинг муҳим даври бошланди. СССР Ҳукумати аҳолини рўйхатга олишни 1959 йил 15 январь пайшанба кунига белгилади. Совет гражданлари, СССР территориясида турувчи чет эл мухожирлари, шунингдек чет элларда турган совет гражданларининг ҳаммаси рўйхатга олинади.

Жойлардаги мавжуд барча аҳоли, шу жумладан вақтинча турувчилар ва вақтинча бошқа жойга кетиб қолган кишилар ҳам рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш алоҳида тайёрлик кўрган ҳисобчилар томонидан 8 кун мобайнида яъни 1959 йил 15 январдан 22 январгача ўтказилади. Рўйхатга олиш аҳолининг ўзидан сўраш ва махсус варақаларга саволларга жавоб бериш йўли билан ўтказилади. Рўйхатнинг тўғри олинганлигини аниқлаш мақсадида алоҳида тайёрлик кўрган махсус инструктор-назоратчилар томонидан барча хонадонлар бирма-бир текшириб чиқилади. Бу иш 1959 йил 23 январдан 1 февралгача ўтказилади. Узоқ Шимолда ва Сибирнинг айрим районларида рўйхатга олиш эртароқ бошланади. Бу жойларда рўйхатга олиш ҳозирданоқ бошланди. Чунки мамлакатимизнинг бундай районларида совуқ қиш кунларида рўйхатга олиш қийинлашади. Ҳукуматнинг қарори билан бу жойларда рўйхатга олиш сентябрь ва октябрь ойларида тамомланиши лозим.

Шундай районларга Тошкент областининг бир қанча аҳоли яшайдиган тоғлиқ районлари, масалан Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Оҳангарон каби районлари киради. Бу районларда рўйхатга олиш 1958 йил 10 октябрдан бошланиб 10 кун мобайнида тугалланади.

Аҳолини рўйхатга олишни муваффақиятли ўтказиш учун тайёрлик кўриш мақсадида аҳоли яшайдиган районлар ва пунктларнинг карталари, шунингдек шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги поселкаларнинг планлари тузилди. Планларда хонадонлар аниқ кўрсатилган. Бу картографик материаллар шаҳар ва районларни рўйхатга олиш участкаларига бўлиш, инструктор ва рўйхатга олувчиларни жойларга тақсимлаш учун қулайлик туғдиради.

Аҳолини рўйхатга олишнинг муваффақиятли ўтиши кадрларга боғлиқдир. Область аҳолисини рўйхатга олишда ҳисобчилар, инструктор-назоратчилар, рўйхат бўлимларининг мудирлари, уларнинг ёрдамчилари, СССР Марказий Статистика Бошқармаси район ва шаҳар инспекторларининг ёрдамчилари — ҳаммаси бўлиб тўрт мингдан ортиқ киши иштирок этади.

Вазифа — кадрларни танлаш ва уларни қунт билан ўргатиш, шунингдек уларни участкаларга тўғри тақсимлаш, рўйхатга олиш ҳужжатлари, бино, транспорт ва алоқа воситалари билан тўла таъминлашдан иборатдир. Рўйхатни олишда иштирок этиш учун ўқувчилар, олий ўқув юртларининг студентлари, техникумларнинг юқори курс ўқувчилари, муассаса ва ташкилотларнинг, совхоз, ремонт техника ва машина-трактор станциялари, колхоз ва бошқа жамоат ташкилотларнинг ходимлари жалб қилинади.

Ҳукуматнинг қарорида кўрсатилишича, ҳарбир ҳисобчи, инструктор назоратчи рўйхатга олиш бўлимларининг мудирлари ва уларнинг ёрдамчилари, шунингдек СССР Марказий Статистика Бошқармаси район ёки шаҳар инструкторларининг ёрдамчилари меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ёки район Советларининг ижроия комитетлари томонидан якка тартибда тасдиқланадилар. Марказий Статистика Бошқармасининг район ва шаҳар инспекторлари рўйхатга олувчи кадрларнинг рўйхатини тасдиқлатиш учун ижроия комитетга тақдим этадилар.

СССР Марказий Статистика Бошқармасининг Чирчиқ шаҳар инспектори ўртоқ Гумеровнинг иши тақдирга сазовордир. У Чирчиқ шаҳар ижроия комитети, шаҳар партия ва комсомол комитетлари билан бамаслаҳат аҳолини рўйхатга олиш учун керакли кадрларни танлай бошлади. Рўйхат олишга ажратилган кишилар мактабларда, муассаса ва ташкилотларда ҳамда корхоналарда ўтказилган комсомол ва касаба союз мажлисларининг тавсияси билан олинди. Бу эса Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатида иштирок этувчилар сафини ишчан, интизомли кишилар билан тўлдиришга ёрдам беради. Район ва шаҳар ижроия комитетларида тасдиқланган кишилар ҳукуматнинг қарорига биноан маошлари сақланган ҳолда вақтинча ўзларининг асосий ишларидан озод қилинадилар. Шу билан бирга уларга маълум миқдорда ҳақ ҳам тўланади. Чунончи ҳисобга олувчиларга 200 сўм, инструктор-назоратчиларга 300 сўм, рўйхатга олиш бўлимларининг мудирларига 450 сўм, уларнинг ёрдамчиларига 400 сўм, СССР Марказий Статистика Бошқармасининг шаҳар ёки район инспекторларига 700 сўмдан ҳақ тўланади.

Кадрларни танлаш ва тасдиқлаш ишлари 1958 йил 1 сентябрдан 1 ноябргача тамом қилиниши лозим. Рўйхат олишга иштирок этадиган ва ижроия комитет томонидан тасдиқланган кадрларнинг ҳаммаси рўйхатга олишга киришишдан олдин бу ишга маълум даражада тайёрланишлари керак. Шу йил июль ойида Москвада барча статистика бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг бўлим ва сектор раҳбарлари учун курс очилиб, унда тушунтириш ишлари олиб борилган эди.

Область статистика бошқармаси август ойида статистика бошқармасининг раҳбар ходимлари, мутахассислари ва район, шаҳар инспекторлари учун тушунтириш ўтказди. Октябрь ойида эса Марказий Статистика Бошқармасининг район, шаҳар инспекторлари учун алоҳида курс ташкил қилинади. Курсда рўйхатга олишнинг методик ва ташкилий масалалари, шунингдек рўйхатга олиш ҳужжатларининг формалари, рўйхатга олишнинг якунларини тўплаш тартиблари ҳақида тушунтиришлар ўтказилади.

Ноябрь, декабрь ойларида рўйхатга олиш бўлимлари мудирларининг ёрдамчидари, инструктор-назоратчилар ва ҳисобчилар учун махсус ва тафсилий тушунтириш ўтказилади. Сентябрь ойида муддатидан илгари рўйхатга олинадиган жойларда ишловчи кадрлар учун рўйхатни ўтказишга тааллуқли барча ишлар ўргатилади.

Аҳолини рўйхатга олиш давлат ва умумхалқ ишидир. Рўйхатга олишни ўтказишга областимиздаги турли ташкилотлардан эпчил, интизомли, ишга қобилиятли кишиларни жалб қилиш лозим. Рўйхатга олишда иштирок этиш ҳар бир совет гражданининг Ватан олдидаги муқаддас бурчи ва шон-шараф ишидир.

Аҳолини рўйхатга олишда иштирок этганларнинг барчасига «1959 йилда аҳолини рўйхатга олишда иштирок этганлиги учун» деган жетон берилади. Биз бу ишда Тошкент область жамоатчилигининг актив иштирок этишига сира шубҳа қилмаймиз. Орамиздаги энг актив, энг яхши кадрларни аҳолини рўйхатга олишга сафарбар этайлик.

А. Г. ГОСТЕВ,
Тошкент область статистика бошқармасининг бошлиғи.

Редакцияга жавоб қиладилар

„Мени қачонгача сарсон қиладилар"

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ М. Ғуломова редакциясига хат ёзиб, Саидхўжаев деган шахснинг ўзбошимчалик қилиши орқасида унга Октябрь район ижроия комитети ажратиб берган ер участкасини тўрт йилдан бери ўз ихтиёрига ўтказиб ололмаганлиги, район ижроия комитети раҳбарлиги ўзи чиқарган қарорни бажариш ва Саидхўжаевнинг танобини тортиб қўйиш юзасидан лозим бўлган чораларни кўрмаётганлигидан шикоят қилган эди.

Газетамизнинг шу йил 3 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган бу хат юзасидан Тошкент шаҳар ва Октябрь район ижроия комитетлари кўрган чоралар натижасида ўртоқ Ғуломовага ажратиб берилган ер участкасида Саидхўжаев ўзбошимчалик билан қура бошлаган иморатлар маъмурий тартибда бузиб ташланган. Участкани эса унинг ҳақиқий эгаси ўртоқ Ғуломовага берилган.

„Илтимосимиз қачон бажарилади"

Тошкент шаҳри, Октябрь районида яшовчи бир группа меҳнаткашларнинг Каттабоғ маҳалласида жойлашган шчетка фабрикаси чиқиндиларининг кўчага оқизиб қўйилишидан шикоят қилиб ёзган ва газетамизнинг шу йил 15 июль сонида босилган хатларига Октябрь район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирҳўжаев қуйидаги жавобни берди:

«Илтимосимиз қачон бажарилади» сарлавҳали хабарда келтирилган фактлар текшириш натижасида тўла тасдиқланди. Айтилган камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрилди. Фабрикада ишлатилган сувларни фильтр орқали тозалаб Чақар ариғига оқизиб ташлайдиган махсус иншоот қуриш учун керакли маблағ ажратилиб, лойиҳалар тузилиб бўлди. Яқин кунларда қурилиш ишлари бошланиб кетади.

Барча колхоз ва совхозларда машина билан пахта теришга ҳар тарафлама пухта тайёрланайлик!



Яқинда Октябрь районидаги Киров номли колхоз механизаторларнинг пахта йиғим-терими олдидан йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда СХМ-48М пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари сўзга чиқиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Жумладан, илғор механизатор Отахон Соипов бу йил Улуғ Октябрнинг 41 йиллиги байрамигача 100 тонна пахта теришга сўз берди. Суратда: О. Соиповнинг пахта йиғим-теримига тахт қилиб қўйган СХМ-48М машинаси. Донрада ўртоқ О. Соипов.

В. Панов фотоси.

Пахта териш машиналарини ҳайдовчи ёш механикларнинг республика кенгаши

Ҳосил терим-йиғимининг қизғин даври бошланди. Ватанга ҳозирдаёқ Ўзбекистон пахтасининг дастлабки мингларча тоннаси топширилди. Яна бироз вақтдан кейин далаларга пахта териш агрегатлари чиқади. Тошкентда бўлиб ўтган пахта териш машиналарини ҳайдовчи ёш механикларнинг республика кенгашида техникадан қандай қилиб юксак унум билан фойдаланишга эришиш, ҳосилни нобуд қилмай, сифатли йиғиб-териб олиш тўғрисида гапланиб олинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ М. Иброҳимов қисқа табрик нутқи сўзлаб кенгашни очди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ Ж. Ҳоназаров пахта териш машиналарини ҳайдовчи ёш механикларнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

— Бу йил ҳосил мўл бўлди, — дейди Ўртоқ Ҳоназаров, — бу ҳосил кўкламнинг совуқ келганлиги ва узоқ муддат ёнингарчилик бўлганлигига қарамай етиштирилди. Ҳосилнинг анча қисми машиналар ёрдами билан териб олиниши керак. Бу, ҳар бир центнер пахтанинг таннархини кескин даражада камайтиради, қўл меҳнати сарфлашни қисқартиради. Қуйидаги фактлар бунинг қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб турали: Ўтган йили пахта етиштириш учун сарфланган маблағнинг 60 проценти теримчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланди. Бинобарин, пахтани қўл билан теришни машинала териш билан алмаштириш вақти аллақачонлар келди. Бунинг учун бизда СХМ-48М, СХС-1,2 сингари яхши, юксак унум билан ишлайдиган машиналар бор. Бизда аъло даражада тайёргарлик олган механик-ҳайдовчи кадрлар ҳам бор.

Ёш механизаторлар, пахта териш машиналарини ҳайдовчилари кетмакет минбарга чиқадилар. Улар иш тажрибаларини гапириб бердилар, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Фарғона область, Горск районидан донгдор механизатор Қурбон Кенжаев сўзлайди. У мавсумда ками билан 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди.

— Мен ҳам шунча миқдорда пахта териб бериш мажбуриятини оламан, — дейди Наманган областининг Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозидан пахта териш машинасини ҳайдовчи ёш механик Тўлқин Жалилов. — Ўртоқ Кенжаевни социалистик мусобақага чақираман.

Қурбон Кенжаев гулдурос қарсаклар остида бу чақириқни қабул қилди.

Ўтган йили 82 тонна пахта териб берган Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли колхозидан механик-ҳайдовчи Муртазо Бойбеков ҳам шу мавсумда 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди. Ўз сўзида СХМ-48М машинасида ишлаш тажрибасини гапириб берди.

Самарқанд область, Пойариқ районидаги «Октябрь» совхозидан пахта териш машинасини ҳайдовчи Абдусалом Қўчқаров, Андижон область, Москва районидан механик Ёдгор Зайнобиддинов, Бухоро область, Қоракўл районидан Ибодулла Ғайбуллаев, Сурхондарё область Шўрчи районидаги Жўра Соатов ва бошқа бир қанча пахта териш машиналарини ҳайдовчилар ҳам иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Р. Е. Мельников иштирок қилди.

Ёш механизаторлар қарор қабул қилиб, унда пахтани машинада териш устидан республика комсомолининг оталигини ўрнатишни тавсия қиладилар. Айни бир вақтда улар иш тажрибаларини ўртоқлашмоқ учун ҳар йили ёш механиклар кенгашини чақириб туриш тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига таклиф киритдилар.

Кенгаш қатнашчилари республикадаги барча механик-ҳайдовчиларга қарата очиқ мактуб қабул қилиб, уларни давлатга 3 миллион тонна пахта топшириш тўғрисида Ўзбекистон пахтакорлари томонидан берилган ваъданинг устидан чиқишда уларга ёрдам кўрсатиш учун хосилни машинада теришда янги ютуқларга эришишга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

Оталик ёрдами кучайтирилади

(МАРКАЗИЙ РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН)

Тошкент шаҳар Марказий район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари Ўртоқ А. И. Шкуратов «Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1958 йилги пахта ҳосилини териш, қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда Марказий район меҳнаткашларининг актив иштирок этиши ҳақида» доклад қилди.

Ўртоқ Шкуратов Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг қарорида Ўзбек халқининг асосий бурчи бўлган пахта етиштириш планини бажариш юзасидан бутун республикамизнинг, жумладан Марказий район меҳнаткашларининг асосий вазифалари конкрет кўрсатиб берилганлигини қайд қилди. Шу муносабат билан у, пахтакорларга оталик ёрдамини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент областининг Пискент ва Бўка районларини, Хоразм областининг Янгибозор районини оталикка олган Марказий район меҳнаткашлари йил бошидан бери колхоз ва совхозларга, МТС ва РТСларга чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш, техникани ремонт қилиш, жамоат ва хўжалик бинолари қуриш, пахтазорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ҳамда уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилашда яқиндан ёрдам бердилар. Райондаги бир қатор саноат корхоналари ва муассасаларнинг ходимлари август ойининг ўзида ғўза парваришини кучайтиришда Бўка ва Пискент районларининг пахтакорларига катта амалий ёрдам бердилар. Пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, «Агролеспроект», 93-ихтисослаштирилган трест, Ильич номли конруда ускуналарини ремонт қилиш заводи, қишлоқ хўжалик институти каби корхона, муассаса ва ўқув юртлари техникани ремонт қилиш, механизатор кадрлар тайёрлаш, запас қисм ва деталлар етказиб бериш, дала шийпонларини ремонт қилиш ва жиҳозлаш сингари ишларда ўз оталикларидаги хўжаликларга имкониятлари борича ёрдам бердилар.

— Шу билан бирга, — деди докладчи, — районимиздаги айрим саноат корхоналари ва муассасаларнинг раҳбарлари қишлоққа оталик ёрдами кўрсатиш масаласига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Ленин номли артель, «Ўзхудожпромсоюз», «Красний часовщчик» артели, 2- авторемонт заводи, 32- қурилиш трести ва бошқа бир қатор муассасаларнинг партия ҳамда хўжалик раҳбарлари мазкур корхона ва муассасанинг имконияти даражасида пахтакорларга ёрдам кўрсатмаётирлар. 32-қурилиш трести 15 сентябргача 6 та қуритиш-тозалаш цехини қуриб битказиши керак бўлгани ҳолда, ҳалигача улардан биттасини ҳам битказгани йўқ. 2- авторемонт заводи коллективи автомобиль кузовлари, олдинги рессорлар каби муҳим қисмлар етказиб бериш юзасидан берган ваъдасини бажармаётир.

Оталик ёрдами кўрсатиш соҳасидаги бу ва бошқа камчиликларни таъкидлагач, Ўртоқ Шкуратов уларни тезда бартараф қилиш ва хўжалик йилининг энг масъулиятли даври бўлган сентябрь, октябрь, ноябрь ойларида қишлоққа бор куч ва имконият билан ёрдам уюштириш юзасидан район партия комитети бюроси белгилаган тадбирлар ҳақида гапирди. Бу тадбирларда оталикдаги районларга ишчи кучи, зарур материал-техника, малакали медицина ва маданият ходимлари ҳамда бошқа воситалар билан ёрдам бериб, Пискент, Бўка ва Янгибозор пахтакорларининг мамлакат олдида олган мажбуриятни шараф билан бажаришларига кўпроқ ҳисса қўшиш кўзда тутилган.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Беспалов сўз олди. У айтдики, бюро ходимлари бу йил 40 гектар ердаги ғўзани механизация воситаси билан парвариш қилдилар, мана шу майдондаги ҳосилни машинада териб беришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тошкент трамвай-троллейбус тресті бошқарувчисининг ўринбосари Ўртоқ Жалолов транспортчиларнинг «Пискент» совхозига кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапириб, ўз навбатида совхоз раҳбарлари мавжуд ишчи кучидан унумли фойдаланмаётганликларини таъкидлади.

Пискент район партия комитетининг секретари Дробинский ва Бўка район партия комитетининг секретари Шайхов Ўртоқлар бир неча йилдан бери яхши оталик ёрдами кўрсатиб келаётганликлари учун Марказий район меҳнаткашларидан пискентлик ва бўкалик пахтакорлар жуда хурсанд эканликларини билдирдилар. Улар тошкентликлардан қандай ва қанча ёрдам кутаётганликларини айтдилар.

Электролампа заводи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Недавний ўтган йиллари пахта йиғим-терим кампаниясида шаҳардан борганларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларга моддий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида айрим жойларда уюшқоқсизлик, баъзан эса кўнгилсиз ҳодисалар юз берганлигини айтиб, оталикдаги район раҳбарларидан бу йил шаҳарликларни кутиб олишга дуруст тайёргарлик кўришни сўради.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг навбатдан ташқари партия XXI съездини чақириш тўғрисидаги қарори якдиллик билан маъқулланди.

Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари Б. Мирзабеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари П. Сазонов, Ўзсовпроф раиси М. Мусахонов Ўртоқлар ҳамда Пискент ва Бўка районларидаги айрим колхозларнинг раислари қатнашдилар.

Пахтани яхши очилтириб, 3-4 марта териб олишни ташкил этамиз

Бўка районидаги бошқа колхозлар қаторида бизнинг колхозимиз аъзолари ҳам пахта далаларида етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида, нобуд қилмай йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу билан бирга ривожланишдан кечиккан ғўзаларга қўшимча ишлов бериш ҳам давом эттирилаётир.

Колхозимиз 1500 гектар пахта майдонидан давлатга 5000 тоннадан ортиқ пахта топшириши керак. Далаларимизда шунга яраша ҳосил пишиб етилмоқда.

Ўтган йиллардагидек пахта тоза очилмасдан ва пишиб етилмасдан терим бошлаб юборилса, пахтанинг сорти бузилади, давлатга ҳам, колхозга ҳам зарар бўлади. Буни яхши англаймиз. Шунинг учун биз пахта йиғим-теримидаги эски тартибдан янги тартибга, яъни пахтани яхши очилтириб, мавсум давомида 3-4 марта териб олишни ташкил этишга қарор бердик.

Мана шундай қилинганда пахтани машинада теришга ҳам катта имконият яратилади. Қўлимизда «СХМ-48 М» маркали 7 та пахта териш машинаси бор. Буларни сифатли ремонтдан чиқариб, ишга шайлаб қўйдик. Бу машиналарни бошқаралган механик-ҳайдовчиларни ўқитиб тайёрладик. Чунки терим машинасини ҳар бир механизаторнинг ҳам қўлига топшириб бўлмайди. Уларда ишлайдиган механизатор ўз ишига пишик, бой тажрибали бўлиши керак.

Пахтани қўлда теришни ҳам янгича уюштирамиз. Энг камида 20-25 процент кўсак очилганда пахтани теришга киришишни мўлжалламоқдамиз. Ҳар бир теримчининг пахтани саралаб, сортларга ажратиб теришни устидан қаттиқ назорат қилиб борамиз. Бунда кўпроқ иш бригада бошлиқлари билан табелчилар зиммасига тушади. Шунинг учун уларга бу тўғрида инструкция берилди.

Кўсакларнинг энг камида 55-60 проценти очилган пайтда пахтани машина билан теришга киришамиз. Машина билан теришга ажратилган майдонларда икки мартаба терим ўтказишни, шундан кейин қолган кўсакларни эса кўрак териш машинаси билан бир марта териб олишни мўлжаллаяпмиз.

Колхозимизда асосий эътибор йиғим-терим ишларини тўғри уюштириш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва пахта теримида меҳнатни тежаб сарфлашга қаратилмоқда.

П. ЛИСЕНКО,
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг агрономи.

Кўсак қуртини йўқотиш учун

Поёнсиз пахтазорларимиз устида икки қанотли самолётларни кўп учратгансиз. Буни пахтакорларимиз бизнинг энг яхши ёрдамчиларимиз, кўмакчиларимиз дейишади.

Ҳақиқатан ҳам тўғри. Кузда ва ёзда колхоз ва совхозлар осмонида Граждан Ҳаво Флотининг пўлат қушлари парвоз қилиб юради. Улар шудгордан олдин ерга минерал ўғит сепишда ёки ғўзани хашаротга қарши захарли дори билан дорилашда, ғўза барглари сунъий тўкиш учун дори сепишда катта ишлар қиладилар, бу билан пахтакорларимизнинг меҳнатини енгиллаштирадилар.

Бу йил пахта далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўп тарқалди. Уларни қисқа вақт ичида, сира қўймай қириб ташлаш талаб қилинарди. Бу ишни белгиланган муддатда бажариш колхозчиларнинг қўлидан келмасди. Шу туфайли улар ўз қадрдон дўстлари Граждан Ҳаво Флоти ходимларига мурожаат қилдилар. Улар ўз пахтакор дўстларининг илтимосини бажонидил қабул қилдилар ва пахта далаларига учиб келдилар. Шундай қилиб, шира ва ўргимчаккана ҳамда шунга ўхшаш бошқа зарарли хашаротлар қириб ташланди.

Яқинда Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг правлениеси ғўзага кўсак қурти тушганлиги туфайли шошилинч нора кўриш мақсадида учувчиларга мурожаат қилди. Орадан кўп ўтмай, колхознинг поёнсиз пахтазори устида таниш самолётлар пайдо бўлди. Улар ғўза устига кўсак қуртини йўқотадиган, қириб ташлайдиган дори сепишга киришдилар. Бу иш катта-катта майдонларда қисқа муддатда ўтказилди ва кўпчиликнинг фидокорона меҳнати туфайли етиштирилаётган ҳосил сақлаб қолинди. Бунинг учун пахтакорлар ва механизаторлар ўз қадрдон дўстлари Граждан Ҳаво Флоти учувчиларига чин кўнгилдан раҳматлар айтадилар.

Суратда: колхоз далаларини кўсак қуртига қарши самолёт билан дорилаш пайти.

М. Шевелев фотоси.

Ғўза парвариши давом эттирилмоқда

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг барча майдонларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир колхоз аъзолари суғоришни давом эттириш, баъзи майдонлардаги бегона ўтларни юлиб ташлаётиб қолган ғўза тупларини суяб қўйиш ва увотларни тозалаш каби ҳосилнинг тезроқ пишиб етилишига ёрдам берадиган зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бу йил ўртоқ А. Отақўзиев бошлиқ 17-бригада ерларида мўл ҳосил етиштирилди. Бригаданинг А. Бобоев, Ш. Мавлонов, Ш. Хамидов каби миришкор сувчилари ҳозирги кунларда ҳам талаб қилган жойларда ғўзани қондириб суғормоқдалар.

Шунингдек колхоздаги Шербўта Деҳқонов, Насриддин Асроров ўртоқлар бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаларида ҳам ғўза парвариши шу кунинг талаби асосида ўтказилмоқда.

А. РАЖАБОВ,
А. САТТОРОВ.

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

КУТИШ

(ҲИКОЯ)

МУҲАММАД ДИБ

(Жазоир ёзувчиси).

Умар санқиб юриб қайтиб келганда вақт пешин эди: қуёш тиккага келиб, уйни мисдек қиздириб юборган, гўё хона нурга чўмгану, ҳавоси темир сингари зич ва оғир бўлиб қолган. Ойша билан Мариям иккаласи иссиқ терга тушиб ёнма-ён ухлаб ётарди: улар ё чиндан ухлаган, ёки ўзларини шунчалик уйқуга солиб ётган эдилар.

Ойша укаси келганини билган заҳотиёқ ўрнидан ярим турио, уни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди. Бу қараши ниҳоятда жаҳли чиққанини билдирарди. Умар донг қотиб, остонада турио қолди.

У опасини кузатиб турарди. Ахири, уни опаси сезиб қолди. Ойша бошини қимирлатиб, унга товоқни кўрсатди, товоқда қолган-қутган нон бўктириб қўйилган қайла бор эди. Умар чўкка тушиб ўтирди. Қайлага бўктирилган сутдек оппоқ нонларни бармоғи билан илиб олиб, апил-тапил еди, кейин қолган сувини ҳўриллатиб ичди.

Ойша укасига нафрат кўзи билан тикилиб:

— Тағин тиланишга бордингми? — деди.

— Сенга онт ичаманки...

— Ёлғон гапирма. Аминларникига кирганингни ўз кўзим билан кўрдим.

— Сенга онт ичаманки, у берган анжирни олмадим.

— Қўшниларнинг эшиги олдида жуда кўп серрайиб турадиган бўлиб қолдинг.

— Мен унинг ишини қилдим.

— Унга айтгинки, бундан буён ишини ўзи қилсин. Ойим келиши билан ҳаммасини унга айтиб бермасамми, шошмай тур ҳали сени.

— Сенга айтаяпман-ку, ахир...

Ойси Уждуга жўнар чоғида, болалари ичида каттаси бўлгани учун Ойшага бир неча франк қолдириб кетди. Аммо бу пул қанча вақтга етар эди дейсиз? Бир кунда тамом бўлди қўйди. Эртаси кундан бошлаб такияни ўзига қилишдан бўлак чора қолмади. Улар гоҳ бирор егулик топиб, гоҳ қарз олиб, ўзлари истаганча тирикчилик қилишди.

Уч кун ўтди. Аммо Айни ҳамон қайтмайди.

Умар ойисининг бу сафари ҳақида кўп марта бош қотирди. Уруш эълон қилингандан сўнг контрабанда янги кучга кириб, яна авж олди — ҳеч ким бундан бўлак нарса кутмас эди! Ойси шу билан, менга Уждуга яна бориш насиб бўладими-йўқми, деб умидсизланиб, контрабанда билан мароккан матоларини олиб кетган эди. Умар ойисининг кетишини бошлан кечириладиган оғир дамлар деб биларди. Одатда бундай сафарга кетишидан кейин уйда қисқа муддатга серобгарчилик бўларди. Бундай гарқшарқлик бир неча кунгина давом этиб, кейин яна ҳамма нарса ўз изига тушиб, бошқатдан бошланарди.

Ойисини кутиб, у беихтиёр бошқа уйлар эшиги олдида турио қолар, қўшнилар дастурхон тузаганини кўриб турар, баъзилари уни бирор нарса еб кетсин деб чақиришар, лекин у рад этар, таом олишга камдан-кам рози бўларди.

Одатда уялиб, олмай қочиб кетар эди.

* * *

Тўрт кун ўтди, кеч кирди, лекин ҳамон Айни қайтмайди. Болалари ойимиз бугун келади деб йўлига кўз тутишмади. Уларнинг бутун умиди эртага эди.

Ойси кетгандан бери соатлар, кунлар улар назарида шунчалик секин ўтяпгики, асти қўясиз. Кўпинча бир-бирлари билан гаплашмай, узоқ вақт жим ўтиришади.

Кундузлари безовта ва қулоқлари динг бўлиб санқиб юришади, қўшнилари уларнинг юзларидаги ташвишни сезиб:

— Ойиларинг сизларни ташлаб кетди! Энди уни қайтиб кўрмайсизлар! — деб ичи қоралик қилишади.

Болалар қўшниларнинг аччиқ тиллигини билишади. Аёллар мазах қилишади:

— Ким билсин? Балки у ердан ўзига бирорта эр топиб олган бўлиши ҳам мумкин. Унда ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Уларнинг ойиси... Бу қандай беъмаънилик! Бир аламни ўн қиладиган бунақанги ҳазилнинг нима кераги бор? Улар шундоқ ҳам руҳи тушиб, эзилгал-ку.

Хўжайкани қаранг, у ҳам болаларни жонидан тўйдиради. Ойиси йўқ пайтлари у ҳам ҳар хил бўлмағур гапларни тўқиб-чатади, ким хоҳласа, барчага баравар қилиб овоза борича бақириб-чақириб гапираверади:

— Нега у тошюрак хотин болаларини ташлаб кетар экан, уларни очдан ўлдириш учунми? Нега? Шундай қилиб бўладими?

— Буни қаранг, ана шу қари бойқуш ҳам уларга раҳмдил эмиш! Териси устихонига борио ёпишган бу хотиннинг ифлос қалбида уларга нисбатан нафрат қайнаб тошганку.

Улганнинг устига чиқиб тепган қилиб у, яна заҳар томиб турган гаплари орасида бирдан тўхтаб, хандон ташлаб хихиллаб кулиб қўяди.

Хўжайканинг бу кулгиси шу қадар жирканч туюладики, уёғи йўқ!

Умар азоб чекарди. У ўзининг очлиқдан қийналаётганини секин-аста опасига очиқ айтди. Ойша индамади. Лекин у бу сўзни ҳамон ич-ичидан такрорларди: «Ойим бугун келади, бунга ишончим комил. У кечқурун шу ерда бўлади».

Ойша бу сўзни ойси жўнаб кетгандан бери такрорлайди!

Ойша ўз жойига қайтди, укаси Умар эса, умидни узиб, опаси олдидан кетди. У сездики, опаси ҳозир ўз туққан онасига ва ёруғ дунёга нафрат кўзи билан қараяпти.

Ойша уларга, Умар билан Мариямга ҳам ёмон муомала қила бошлади.

— Мендан нима истайсанлар? — деб бирдан тутоқиб бақириб юборди у, — ойим бизларни ташлаб кетди. — Шу гапдан сўнг яна авжланиб кетди: — мен пулни яшириб қўйибманми, нима? Икки кунга кетган эди. Мана тўрт кун бўлиб турибди. — Шундай деб, тамоман бақириб юборди: — мен ҳеч нарса қилолмайман! Ҳа, ҳеч нарса! Санларнинг дастингдан жинни бўлаёздим!

* * *

Августнинг бошлари, кун пешиндан оққан. Ойси кетганига беш кун бўлган. Болалар уни ҳамон чидаб кутмоқдалар. Улар хонанинг қўндалангига чўзилиб ётиб олишган; августнинг жазирама иссиғидан мадорлари қуриган; иссиқ ҳаво лохос қилиб чаккалари лўқиллаб оғрийди, кўзлари олдида қизил бир нарса осилиб турали. Осмонда бир нима оловга ўхшаб ловиллаб ёнади. Болаларнинг баданлари увишиб титраб кетди. Туришга мажоли йўқ: томоқлари қақраб кетган, лекин сув ичкилари келмайди, бутун фикри-хаёлини очлик эгаллаб олган.

Ойша ғазабдан эсини йўқотиб, бир четда ўтириб олди: бошини чайқаб нуқул укаларига термулади. У ингранши тақиқлаб қўйган: укалари полиса ғазаби қайнайди. Бас улар айбдор эмасми? Ундан баттар сўлсин, овозини чиқармасин! Қайгу ичини тирнайди. Ойша тўсатдан ўпкаси тўлиб, ҳўнграб юборади. Тўхтаб қолган ёшдан кўзлари нурсизланиб, ўзининг аввалги ҳолатини йўқотди.

Офтоб ёнбошлаб, секин-аста кеч кира бошлади. Шу бугун кечқурун болаларга айниқса оғир бўлди. Улар бутун сабр-тоқати тугаб, умидсизликка тушиб қолдилар.

Қуёш билан бирга гириллаб эсиб турган шабада ҳам йўқ бўлди. Болаларни безгак тутди. Ҳаво кул сингари қуруқ эди.

Улар олдинма-кейин чўзилиб, жим бўлишди, гўё чала жон бўлиб қолишди.

Эртаси куни — бу Умарнинг ҳеч қачон эсидан чиқмайди — қуёш шаҳар устидан катта мис баркашдек бўлиб чарақлаб чиқди. Даҳшатли осмонда эсгани ҳали ердан сезилмай турган шамол булутларни ҳайдарди. Бу гармселдан нишона. Бугун эрталаб ҳам бирон нарса татиш даргумон. Болалар ўзларини дадиллаштирмоқ учун бет-қўлларини муздек қудуқ сувида ювдилар. Шу билан яна бетайин кутиш бошланди.

Кундузи соат тўрт. Опаларининг ганига қараганда, шу соатда ойилари тушган поезд келади. Шу соатдан кейин ойимиз келади деб кўз тутмаса ҳам бўлади.

Умар ўзини хотиржам тутди, ҳар ҳолда Мариям сингари бепарво тутмади, албатта. Унинг кичкина сингилчаси гўё ҳеч нарсани: на жазирама иссиқни ва на азобижон кутишни сезмаётгандай... Бир парча ёғочни шимиб, остонада мунғайибгина ўтирибди. Лабининг бир четида озгина кўкиш сўлак йиғилди, лекин юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

Ҳаммадан кўра Ойша кўпроқ асабийлашарди, албатта. Унинг бепарволиги фақат сиртида, лекин бу бениҳоя даҳшатдан ич-ичидан эзиларди.

Умар хона ўртасида бўйнини эгиб, оёқларини чалиштириб ўтирарди. У Мариямнинг юзларига гипноз қилингандек донг қотиб қараркан, унга сингилси ҳам гоҳ қари қиздай, гоҳ кампир бўлиб қолгандек кўринар, бу образ бир лаҳзада дам унисига, дам бунисига ўтиб алмашиб турарди. Тўсатдан унга сингилси кўп йиллар, кўп асрлар яшаган-у, лекин ҳануз шу қичкинтой ҳолича қолгандек бўлиб туюлади.

Айни шу пайт катта уй жонланиб кетди. Икки қиз, Ойша билан Мариям зинага отилди. Умар бошқа аёллар овози ичидан ойисининг овозини таниди. Лекин ўрнидан туришга ҳеч ҳоҳиши йўқ эди. Айнини қўшнилари ҳайрон қоларли қий-чув, кучли нидо, кулги, саволлар билан қарши олди.

Умар бўлса ҳамон ўша ерда мунгайиб ўтирарди. У яна ойисининг овозини эшитди.

Ойисининг овози ёқмади — ахир у болани шунчалар қийнади, шунчалар асабларини бузди. Нега у, бунчалик ишонган эди? Болага тўсатдан ҳамма-ҳамма нарса ёмон кўринио кетди, ер юзидан йўқолиб кетгуси келди. Улишдан аввал у ниҳоятда қаттиқ азоб-уқубат чекди. Қалбида нимадир ҳазон бўлди.

Умарнинг аста-секин дарди пасайиб борди, қарийб сезилмасди. Лекин у мурда сингари ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қолишни истар эдику. Нафрат, унинг нафрати-чи, бу қаёққа кетди? Ахир унинг бирданбир таянчи ана шу нафрат эди-ку, лекин қанақа таянч бўлмасин, бу мудҳиш ҳаётни барибир у ўзгартира олмаси. Бахтсизлик унинг ҳамроҳи, қаерга борса кетидан қолмайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг бутун болалик қалб кучи билан йўқ бўлишни, ўлишни ҳоҳлайди. Ана шу фикр пайдо бўлиши биланоқ, Умарни бирдан ваҳима босди ва кўзларидан тирқираб чиққан ёш бурнидан, ўзгариб кетган юзларидан шаш қатор бўлиб оқди.

Русчадан **Мели НОРМАТОВ** таржимаси.

Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин!

☆ ☆ ☆

Н. С. Хрушчевнинг Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби тўғрисида чет элларда баён этилган фикрлар

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди.

Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси Н. С. Хрушчевнинг мактубини шарҳлаб, бундай деб ёзади:

Совет Иттифоқи Тайвань районида турган АҚШ қуролли кучлари Хитойга ҳужум қилган тақдирда уни маънавий жиҳатдангина қўллаб-қувватлаш билан қолмаяжагини билдирди. Совет Иттифоқи Хитой территорияси бўлган оролларга халқ Хитойининг сўзсиз ҳуқуқини яна бир марта таъкидлади. Бу баёнот икки буюк давлатни — СССР билан Хитойни бирлаштирувчи шартномаларнинг мантиқий оқибатидир.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, деб давом қилади «Трибуна люду» газетаси, кейинги воқеалар натижасида АҚШ шунчалик яккаланиб қўйилдики, урушдан кейинги даврда у ҳеч қачон шунчалик яккаланиб қўйилган эмас эди. Узоқ Шарқдаги кескинликни юмшатишга олиб борадиган музокаралар ҳозирги кунда энг зарур проблемадир.

Хитой ороллари, деб таъкидлайди «Трибуна люду», бундан буён Хитойга таҳдид қилувчи ҳарбий база бўлмаслиги лозим. Бу ороллар қонуний эгаларига қайтариб берилиши зарур. Хитой БМТда ўз ўрнини эгаллаши лозим. 600 миллион аҳолиси бўлган Хитойнинг ички ишларига аралашиш сиёсатига, ниҳоят, хотима бериш керак. Бусиз Тайвань бўгозида конфликтлар чиқазилиган доимий сабабларни тугатиб бўлмайди.

Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетаси «Узоқ Шарқдаги ҳарбий игвогарликларга чек қўйилсин» сарлавҳали бош мақола босиб чиқарди. Бу мақолада бундай дейилади: Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг президент Эйзенхауэрга юборган мактуби Тайвань бўгози районидаги аҳволнинг жиддийлигига яна эътиборни жалб этади. Бутун дунёда худди ўз уйларидагидек хўжайинлик қилишни истаётган америкалик империалистларнинг сиёсати, деб ёзади газета, ҳозирги халқаро шароитда ҳеч қандай муваффақият қозонолмайди. Америкалик империалистларнинг янги қоғозларга бўлган эрта ёки кеч уларни ҳам супуриб ташлайдиган оқимларга душманлиги шунчалик чексиздирки, бу душманлик уларнинг воқеаларга ва тараққиёт тенденцияларига реал қарашларига имкон бермайди.

Мустамлакачилик системаси емирилиб бормоқда, муқаррар емирилмоқда. Шуни эслатиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда бу емирилишни тўхтатиш мақсадида қилинган ҳарбий авантюралар барбод бўлди. Кореяда, Вьетнамда, Миср да, Ливанда, Иорданияда мустамлакачилар маглубиятга учрадилар.

Бутун тинчликсевар инсониятнинг огоҳлантиришига қарамай, империалистлар улуғ Хитойнинг 600 миллионлик халқига қарши, ўз ҳукумати ва Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашган халққа, ҳаққоний ва адолатли иш учун курашаётган халққа қарши қурол кўтаришга журъат этадиган бўлса. Хитойда ҳам мустамлакачиларнинг қисмати худди шундай бўлади, деб ўйлаш учун тўла асос бор.

Ҳозирги вақтда бутун араблар дунёси, бутун Осиё ва табиийки, Совет Иттифоқи бошлиқ бутун қудратли социалистик лагерь Хитой томонидадир.

Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Нейес Дейчланд» газетаси Америка флотининг Тайвань бўгозидан ва Америка қўшинларининг Хитойга қарашли Тайвань оролидан чиқиб кетишлари жуда зарурлигини уқтириб ўтиб, бусиз Узоқ Шарқда узоқ муддатли тинчлик ўрнатиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Газета Н. С. Хрушчев мактубининг халқаро аҳамиятига тўхталиб, бундай деб таъкидлайди: бу мактубни бутун дунё мамнуннят ва миннатдорчилик билан кутиб олди. Совет Иттифоқи ҳукумати АҚШ ҳукуматига мурожаат этиб, ўз сиёсатида яхши ўйлаб иш кўришга даъват этди. Бу чақириқни ер юзидаги ҳамма кишилар қўллаб-қувватламоқда.

Албанияда чиқадиган «Зери и популлит» газетаси ўзининг бош мақоласида Қўшма Штатлардан Узоқ Шарқда ўт билан хатарли равишда ўйнашишнинг тўхтатилишини талаб қилади. Инсоният устида урушнинг жиддий хавфи пайдо бўлган ҳозирги кескин вазиятда, деб ёзади газета, Совет ҳукумати яна муҳим ташаббус кўрсатди. Бу ташаббус янги ҳалокатнинг олдини ўз вақтида олишга ёрдам беради. Н. С. Хрушчевнинг Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби, деб таъкидлайди газета, Вашингтондаги доираларни Узоқ Шарқдаги ўз агрессив йўлидан озроқ воз кечишга, ихтилофларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишга даъват этади.

Албан халқи, деб ёзади пировардида «Зери и популлит» газетаси, Совет ҳукуматининг янги тинчликсеварлик ташаббусини қизғин табриклайди ва тўла равишда қўллаб-қувватлайди.

Миланда (Италия) чиқадиган «Джорно» буржуа газетаси Узоқ Шарқдаги аҳволга ва Американинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан тутган сиёсатига тўхталиб, бундай деб ёзади: «Чан Кай-ши голиб Халқ армиясидан қочиб Тайванда яшириганида давлат департаменти бу кекса генералнинг ўша вақтлаёқ сиёсий мурдадан бошқа нарса эмаслигини жуда яхши тушунган эди. Кореяда уруш бошлангандан кейин америкаликлар бу генерални ўзларининг доллар инъекциялари билан тирилтиришга қарор қилдилар».

«Улар бу билан тўғри қилдиларми? — деб савол беради газета. — Рўй берган вазиятни анализ қиладиган бўлсак, улар нотўғри иш қилдилар, деган хулосага келиш мумкин, чунки масаланинг нуқул стратегик жиҳатдан қараб ҳал қилиниши сиёсий жиҳатдан Тайванни хитой халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб бемаъни эътироф этишни талаб қилди».

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди Ҳиндистонда чиқадиган «Жуангтар» газетаси, Хитойни қатъий равишда қўллаб-қувватлади. У Хитойнинг Тайванни озод қилиш ҳуқуқини эътироф этди. Агрессия ёки уруш бўлган тақдирда АҚШ қуролли қарши зарбага дуч келади. Ҳиндистонда чиқадиган бошқа бир газета - «Нейшнл геральд» бундай деб таъкидлайди: «АҚШ яккаланиб колган бир вақтда Хитойнинг қонуний суратда ўзига қарашли бўлган нарсаларни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатлари Совет Иттифоқи томонидан зўр куч билан қўллаб-қувватланади».

10 сентябрь. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ГБСП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СОВҒАСИ

БЕРЛИН, 10 сентябрь. (ТАСС). СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги мувақкат ишлар вакили С. Т. Аставин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ, КПСС Марказий Комитетининг Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетига совғасини — «Улуғ ҳаёт саҳифалари» деган совет ҳужжатли фильмини ГБСП Марказий Комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихтга топширди. Бу фильм илмий коммунизмнинг асосчиси, немис халқининг улуғ фарзанди Карл Маркснинг ҳаёти ва фаолиятини ҳикоя қилади.

В. Ульбрихт Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети номидан КПСС Марказий Комитетига ташаккур изҳор қилди ва бу совға Маркс эълон қилган улуғ идеяларни Германия Демократик Республикасида амалга ошираётган немис меҳнаткашлари учун айниқса азиздир, деди. Вальтер Ульбрихт айтдики, бу фильм немис халқини Карл Маркснинг ҳаётий йўли ва сиёсий қураши билан яна-да кенгроқ таништиришга ёрдам беради. Карл Маркснинг бутун фаолияти пролетариатни ва эксплуатация қилинувчи барча халқларни озод қилишга бағишланган эди.

КПСС Марказий Комитетининг совғасини топшириш вақтида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат А. Курелла, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси П. Флорин, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг директори, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Х. Вольф ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

ХАММАРШЕЛЬДНИНГ БАЙРУТДА БЎЛИШИ

БАЙРУТ, 10 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига сафар қилган бош секретари Даг Хаммаршельд кеча кечқурун Аммондан Байрутга келди.

Байрут радиосининг билдиришича, Хаммаршельд бугун Ливан янги президенти Фуод Шеҳоб билан, шунингдек ҳозирги ҳукуматнинг аъзолари билан учрашади. Матбуотнинг ёзишича, Хаммаршельднинг Ливанда олиб борадиган музокараларининг асосий темаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг Америка қўшинларини Ливандан тезликда олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги резолюциясини бажариш масаласидан иборат бўлади.

«Телеграф» газетаси шу муносабат билан қуйидагиларни ёзади: Шамун кеча Американинг Ливандаги элчиси билан ва Атлантик океаннинг шарқий қисми ҳамда Ўрта денгиздаги АҚШ қуролли кучлари қўмондони адмирал Холлоуэй билан кенгашди. Газета Шамуннинг уларга Америка қўшинларининг Ливандан олиб чиқиб кетилишига қарши чиқажагини ёки улар ўрнига «халқаро полиция қўшинлари»ни талаб этажагини айтганини таъкидлаб, генерал Шеҳоб Шамуннинг шу фикрига қўшилмади, деб уқтириб ўтади.

Газета яна хабар беради: Ливан оппозицияси Хаммаршельдга нота топшириш қарор берди. Ливан оппозицияси бу нотада Америка қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала юзасидан Ливан жамоатчилигининг фикрини баён қилади.

АМЕРИКА САМОЛЁТЛАРИНИНГ ХИТОЙ ҲАВО МАСОФАЛАРИГА БОСТИРИБ КИРГАНЛИГИГА ҚАРШИ ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ПЕКИН, 10 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Америка денгиз флотининг патруль самолёти бугун соат 7 да Цюаньчжоу районида ва Мэйчжоу ороли (Фуцзянь вилояти) районида территориал сувлари устида ҳаво масофасини бузиб ўтди.

Американинг стратегик разведкачи самолёти шу куни соат 9 ларда Фуцзянь, Цзянси ва Гуандун вилоятларининг ҳаво масофаларига баланддан учиб разведка қилиш учун бостириб кирди.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили қуйидагиларни айтишга ваколат олган: Америка ҳарбий кемалари мамлакатимизнинг территориал сувларига икки марта бостириб кирганларидан кейин АҚШнинг ҳарбий самолётлари 7 ва 8 сентябрда мамлакатимизнинг территориал ҳаво масофаларига яна бостириб кирдилар. Бу эса жиноий бир иш бўлиб, қасддан қилинган ҳарбий игвогарликдир. Бу жиноий иш Хитойнинг суверенитетига ҳамла қилишдан бошқа бир нарса эмас.

Хитой ҳукумати ана шундай авантюристлик ҳаракатлари тўғрисида бир неча марта жиддий огоҳлантиради. Аммо Америка агрессорлари ўз бўйинларига ўзлари сиртмоқ осмоқдалар. Хитой халқини қилич яланғочлатиш билан ҳечқачон чўчитиш мумкин эмас.

ЧАНКАЙШИЧИЛАР ХХР ҚИРҒОҒИДАГИ УНИВЕРСИТЕТНИ ТУПГА ТУТДИЛАР

ПЕКИН, 10 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбири Сяминь шаҳридан билдиради:

Цзиньминьдао оролида жойдашган чанкайшичи қўшинлар 9 сентябрда Сяминь университетини қаттиқ тўпга тутдилар. Университетнинг катта акт зали, кутубхонаси ва ўқитувчилар ҳамда студентлар яшайдиган ётоқхоналари яқинида 30 дан ортиқ снаряд портлади. Бунинг натижасида кўп бинолар вайрон бўлди ва химия факультети 4- курсининг студенти Се Цзянь-гу оғир ярадор бўлди.

Бу — Америка империалистларидан малал олаётган чанкайшичи қўшинларнинг янги жиноятидир. Улар ҳали яқиндагина Цзянтоу посёлкасининг тинч аҳолисини ва Сяминь шаҳрилари учинчи ўрта мактабни тўпга тутган эдилар.

АМЕРИКА ОККУПАЦИЯЧИЛАРИНИНГ КОРЕЯДАГИ ҚУРБОНЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 11 сентябрь. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Жанубий Хванҳэ вилоятининг турли жойларида республиканинг илгари Америка агрессорлари томонидан вақтинча оккупация қилинган шимолий қисмида Америка агрессорлари томонидан азоблаб ўлдирилган ва отилган тинч кишиларнинг жасадлари топилмоқда. Нагвон шахтасининг ичида 800 дан кўпроқ жасад топилди. Якинда Иннюр уездидаги Квансанни қишлоғида 200 дан кўпроқ жасад топилди. Қўл-оёқлари боғланиб азоблаб ўлдирилган ва отилган тинч кишиларнинг жасадлари чуқурга ташланган. Булар орасида 50 хотин-қизнинг жасади бор. Хотинларнинг бўйнига уларнинг болалари боғлаб қўйилган. Жасадларда ўқ излари ва суқилган найза излари бор.



Суратда: Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда қурилиб, фойдаланишга топширилган янги мактаб биноси.

В. Салов фотоси.

Ширин-шакар қовун-тарвузлар

Москва, 11 сентябрь. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали ёзиб олинди). Бутуниттифоқ Кишлоқ хўжалик виставкасидаги Ўзбекистон павильони заллари тамошабинлар билан лиқ тўла. Айниқса мева-сабзавотчилик зали ҳар қачонгидек гавжум. Бу ерда 10 сентябрда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари колхоз-совхозларида ва тажриба станцияларида етиштирилган қовун-тарвузларга кўрик бошланди. Шу муносабат билан зал янги натура экспонатлар билан безатилган.

Мана, Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхози аъзолари етиштирган кўкча, асати қовун. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида маҳаллий навдан вужудга келтирилган, касалликка чидамли қороқлуби тарвузи. Колхозининг ҳар гектаридан 300 центнердан ҳосил олипти. Қорасув районидаги Ленин номли, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозларда етиштирилган хилма-хил қовун-тарвузлар ҳам ҳамманинг диққатини ўзига тортади.

Экспонатлар ичида Қорасув районидаги картошка-сабзавотчилик тажриба станцияси селекционерлари Ҳакимов, Дюдко ўртоқлар етиштирган «янги қўрғон», «тани кўк» номли қовунлар алоҳида ажралиб турибди.

Қовун-тарвузлар кўриги очилиши олдидан митинг бўлди. Митингда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа республикаларнинг вакиллари сўзладилар.

Сирдарё районидаги «Ленинобод» колхозининг агрономи Ўртоқ Ҳакимов митингда сўзга чиқиб бундай деди:

— Мирзачўл ўзининг пахтаси билангина эмас, шакарпалак, алирий кўкча, бўрикалла сингари сер ҳосил даззатли қовунлари ва бошқа нози-неъматлари билан ҳам шуҳрат қозонмоқда. Тоғли районларда яшаб қовун-тарвуз агротехникаси нималигини билмаган деҳқонлар эндиликда бу экинлардан юқори ҳосил етиштирмоқдалар.

Митинг тамом бўлди. Ҳамма қовун-тарвузлар қўйилган томон юрди. Ширинаки бошланди. Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхози етиштирган қовун ҳаммани мамнун қилди. Шунингдек, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозларнинг қовунлари ҳам қўпчиликка манзур бўлди.

Павильонга ҳаркуни янги-янги натурал экспонатлар келиб турипти. Кўрик 10 сентябрьдан 1 октябрьгача давом этади.

Америка педагоглари Тошкентга келди

Совет Иттифоқи бўйлаб туристлик саёҳат қилиб юрган АҚШ педагоглари ва педагогика фани арбобларининг катта бир группаси 11 сентябрда Тошкентга келди. (ЎзТАГ).

Чехословакия Республикаси ҳукуматининг баёноти

ПРАГА, 11 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, кеча Чехословакия Республикаси ҳукумати АҚШ нинг Хитой Халқ Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари муносабати билан баёнот эълон қилган. Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Чехословакия Республикаси ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ва халқининг 1958 йил 6 сентябрда Давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-лай баёнотида ифода этилган нуқтаи назарини, яъни хитой халқининг Тайвань, Пэнхулелао оролларини ва қирғоқ ёнидаги оролларни озод қилиш, шу билан бирга Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ҳоҳлаган воситалар билан озод қилиш ҳуқуқини тўла равишда қўллаб-қувватлайди. Хитой халқининг бу тарихий вазифасини амалга оширишига АҚШ қуролли кучларининг хитой халқига қарши қаратилган ҳеч қандай агрессив ҳаракатлари тўсқинлик қилолмайди. Бу агрессив ҳаракатлардан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамма жиддий оқибатлар учун жавобгарлик фақат АҚШ ҳукумати устига тушади».

Сўнгра баёнотда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга 1958 йил 7 сентябрда юборган мактубида Узоқ Шарқдаги кескинликни бартараф қилиш йўли таклиф этилганлиги кўрсатиб ўтилади. «Чехословакия Республикаси ҳукумати бу таклифларни тўла равишда қўллаб-қувватлайди, чунки жаҳондаги ҳамма халқлар Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан ўз империалистик мақсадларини амалга ошириш йўлида қилинаётган игвогарликларга, ҳарбий намойишларга ва дўқ қилиш сиёсатига узилкесил хотима беришга интилмоқдалар. АҚШ ҳукумати Узоқ Шарқда агрессив йўл тутишдан воз кечиши ҳамда ўз қуролли кучларини Тайвань районидан олиб чиқиб кетиши зарур. Сўнгра, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқлари дарҳол танилиши лозим.

Чехословакия Республикаси ҳукумати бутун чехословак халқининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, АҚШ ҳукуматининг Хитой Халқ Республикасига нисбатан қилаётган агрессив ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдиради. уни Узоқ Шарқдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчликка таҳдид солаётган хавфли сиёсатдан воз кечишга даъват этади. Хитой халқи билан чуқур ва содиқ дўстлик алоқалари орқали боғланган чехословак халқи Хитой Халқ Республикасини унинг Америка агрессиясига қарши ва унинг қонуний ҳуқуқлари танилиши йўлида олиб бораётган курашида тўла равишда қўллаб-қувватлайди».

Телевизор экранида

12 СЕНТЯБРДА

19.30 Саноат ходимлари учун рус тилида адабий-музикали эшиттириш.

20.10 Киножурнал.

20.20 Рус тилида композитор Гурилев вафотининг юз йиллигига бағишланган эшиттириш.

20.50 Бадиий фильм — «Инки онанинг ўғли».

Сўнгги ахборот.

Камбоджа иқтисодий делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Планлаштириш министрлигининг маслаҳатчиси Пхлек Пхен бошчилигида Ўзбекистонга келган Камбоджа иқтисодий делегацияси республика ҳаёти билан танишмоқда.

10 сентябрда делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Ғуломов қабул қилди ва улар билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТАНКЧИЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Оддий солдат Зайни Шаменев

Зайни Шаменев армия сафига чақирилмаслан олдин Самарқанддаги «Красний двигатель» заводида қуювчи бўлиб ишларди. Ғайратли ёш йигит кундик нормани доим 120-150 процентга етказиб бажариб келган.

Зайнига ҳарбий хизматни Ўрта Осиё ерларида — Туркистон ҳарбий округида ўташга тўғри келди. Уни танкчилар бўлинмасига юборишди.

— Бизнинг бўлинма илғорлардан ҳисобланади. Танкчилар қисмимиз эса Улуғ Ватан уруши йилларида катта ва шарафли йўлни босиб ўтган. Полкимизнинг кўпчилик солдатлари она-Ватан учун курашда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатганлар...

Командир ёш солдатга бўлинманинг жанговар традициялари ҳақида сўзлаганда шуларни ҳикоя қилган эди.

Командирнинг бу сўзлари олдий солдат Шаменев юрагида ўз бўлинмаси, хизмат қилаётган қисми билан фахрланиш ҳиссини уйготди. Уни танкчи мутахассислигини яхшироқ ва тезроқ эгаллашга, полк жанговар традицияларининг муносиб вориси бўлишга илҳомлантирди.

Армияда хизмат қилиш осон иш эмас. Ўз вазифасини яхши эгаллаган солдат бўлиш учун жуда кўп куч сарфлаш, ақл ва идрокни ишлатиш керак. Ана шуни яхши тушунган Зайни дастлабки кунларданоқ ҳарбий билимни ўрганишга астойдил киришди.

Шаменевни ўқловчи қилиб тайинлашди. Бундай қараганда унга топширилган бу вазифа осон кўринарди. Лекин аслида бундай эмас эди. Танк коллектив бошқарадиган қурол, шунинг учун ҳам ундан яхши фойдаланиш экипаждаги ҳамма солдатларнинг аниқ ва чаққонлик билан ҳаракат қилишларига боғлиқ. Агар наводчик ўз вазифасини аъло даражада бажарса-ю, бироқ механик-ҳайдовчи унга отиш учун шароит яратиб бермаса, экипаж ўқни мўлжалга уролмайди.

Ўқловчининг экипажда тутган мавқеи тўғрисида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Масалан, мўлжалга олинган нарсани ўқ билан уруш учун механик-ҳайдовчи текис «йўл» танласа ва наводчик нишонни аниқ мўлжалга олса-ю, аммо ўқловчи ўралашиб қолиб, қуролни вақтида ўқламаса қулай фурсат қўлдан берилади, мўлжалга олинган нарса маҳв этилмай қолади. Пулемёт бирор сабаб билан ишламай қолса ҳам ўқловчи чаққон ҳаракат қилиб, уни тузатиши керак.

Оддий солдат Шаменев қуролнинг материал қисмларини беш бармоқдек билиш, чаққон ҳаракат қилиш, танкнинг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан ҳисобга ола билиш каби хусусиятларни ўзида ҳосил қилмагунча топширилган вазифани кўнгилдагидек бажара олмаслигини тушинди. Шу сабабли ҳам у, заводда ишлаганидек, армия сафида ҳам хизматга ғайрат ва шижоат билан киришиб кетди. Натижада бошқаларга ўрнак бўладиган солдат бўлиб етишди.

Зайни ўз мутахассислигини яхши эгаллаб олиш билангина қаноатланиб қолмади. У, ўз билимини янада такомиллаштириш мақсадида наводчик вазифасини эгаллашга, танк қуроллари билан ўқни мўлжалга аниқ урушни ўрганишга аҳд қилди.

... Кунларнинг бирида бўлинма кечаси танкдан отишни машқ қилиш учун амалий машғулотга чиқди. Полигон устига зимистон қоронғулик чўккан... Атрофда ҳеч нарса кўринмасди. Оддий солдат Шаменев прицель устига энгашиб, қоронғуликка тикиларди. Юриб кетаётган танкнинг ўнг томонида «танкка қарши қурол»ни ёритадиган фонарь бирнеча марта ёниб-ўчди. Шаменев ана шу «танкка қарши қурол»ни ўқ билан уриб сафдан чиқариши керак эди. У, кўтарувчи ва ён томонларга айланувчи механизмлардан усталик билан фойдаланиб, олдин пулемётни мўлжалга тўғрилади, сўнгра наводкани аниқ қилиб тепкини босди...

Пулемёт ўқи билан мўлжалдаги иккинчи точка ҳам «маҳв» этилгач, танкчилар олдинги маррага қайтиб келишди.

Практик машқлар натижаси якунланганда, командир оддий солдат Шаменевни отишдаги муваффақият билан табриклади.

Бу ютуқ Зайнини хурсанд қилди. У, навбатдаги хатида Самарқанддаги консерва заводида ишлаётган отасига шундай деб ёзди: «Хизматни яхши бажараяпман. Баъзи пайтларда қийинчилик ҳам туғилиб қолади, лекин уни чидам билан енгмоқдаман. Берган сўзимда содиқ туриб, сабот билан ўқимоқдаман».

Б. БРЮХАНОВ.

Суратда: оддий солдат Шаменев хизмат қиладиган танк тактика машғулотларидан қайтиб келмоқда. Доира ичида — ўқловчи Зайни Шаменев.

В. Володин фотоси.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 13/IX да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IX кеч соат 8 да **Равшан ва Зулхумор.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Гитарали қиз**, 3- залда кундуз соат 3-25 минут ва кеч 8-40 минутда **Бўрилар.**

«ИСКРА» (ёзги) кеч соат 8-45 минутда **Гитарали қиз**, кеч 10 яримда кенг экранли фильм **Севги мазуркаси.**

КАФАНОВ номли — **Гитарали қиз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Олтин симфония.**

«ХИВА» — **Олтин симфония.**

«САЛЮТ» — **Нарғин дунё кўёви.**

Колхоз, муассаса, ташкилот ва корхоналар диққатига!

Тошкент область матлубот союзининг

ТЎЙТЕПА РАЙОНЛАРАРО САВДО БАЗАСИ

перечисление тартибида тўлаш шарти билан **ҳар хил озиқ-овқат, саноат, хўжалик товарлари ва қурилиш материаллари**

СОТАДИ

Адрес: Тўйтепа (собиқ Чигириқ) станцияси.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12 ва 13 сентябрда

САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

Катта концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон халқ ҳофизлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари ва солистлар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

4 сентябрда

«БАҲОР» ЎЗБЕК ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

концерти

Программада: ўзбек, тожик, қозоқ, уйғур, қорақалпоқ, ҳинд ва бошқа шарқ халқларининг рақслари.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

Собир Раҳимов кўчаси, Муваффақият проезд, 77-уйда турувчи **Раҳмон Чўлпоновнинг** шу уйда турузчи Лазокат Чўлпоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р01449. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-566.